

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ”**

**йўналиши**

**“ЕР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2017**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ -  
МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ  
МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ЕР ТУЗИШ ВА ЕР КАДАСТРИ”**

**йўналиши**

**“ЕР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент - 2017**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** **ТИҚХММИ доценти., и.ф.н., А.Р.Бабажонов,**  
**катта ўқитувчи А.Муқумов**

**Тақризчи:** **Маркос Б. – Венгрия Обуда университети профессори**

**Ўқув - услугий мажмуа Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти кенгашининг 20\_\_ йил \_\_\_\_\_даги \_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	8
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	14
IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	47
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	52
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	56
VII. ГЛОССАРИЙ.....	57
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	60

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Мазкур ишчи дастур дунёнинг илғор мамлакатларида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш йўналишида олиб борилаётган инновацион технологияларга асосланган ҳолда тузилган ўкув режа ва наъмунавий дастур асосида тайёрланган бўлиб, унда тармоқлардаги илғор хорижий тажрибаларига ҳам муҳим ўрин берилган.

Модулни ўрганишдан мақсад ер муносабатларини тўғри тартибга солиш орқали ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини таъминлаши, ерга оид низоларни ҳал қилиш усулларини қўллаши, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузгандиги учун жавобгарлик чораларини кўриши ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

Ер муносабатларини тартибга солиш **модулининг мақсад ва вазифалари:**

Мақсади: педагог кадрларга дунёда ва мамлакатимиздаги ер муносабатларини тартибга солиш бўйича шаклланган билим, кўникма ва малакаларни хориж тажрибалагига таянган ҳолда бойитишга эришиш.

Вазифаси: ер муносабатларини тартибга солиш жараёнида олинган натижаларни қайта ишлашда ахборат- коммуникацион технологияларидан фойдаланиш, илғор хориж тажрибаларидан воқиф бўлиш ва уларни етказиш.

### Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникмас, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

«Ер муносабатларини тартибга солиш» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қўлланиладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини;
- ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати усулларини;
- ерга оид низоларни ҳал қилиш усулларини;
- ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш усулларини;
- ер туғрисидаги қонун ҳужжатларини бузгандиги учун жавобгарлик чоралари каби **билимларга эга** бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасига оид Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини;

-Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидағи ўзгаришларни амалиётга тадбиқ эта олиш;

- Ер муносабатларини тартибга солиш фаолиятида самарали техника ва технологияларни танлай олиш каби **кўникма ва малакаларини** эгаллаши зарур.

**Тингловчи:**

- Ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида амалга ошириладиган ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва технологик тадбирлар жараёнларини баҳолаш;
- Ер муносабатларини тартибга солиш;
- ер муносабатларини тартибга солиш орқали ерга оид низоларни ҳал қилиш бўйича **компетенцияларга** эга бўлиши лозим.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Ер муносабатларини тартибга солиш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот -коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик материалларидан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс -сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерфаол таълим усулларидан фойдаланиш назарда тутилади.

## **Модулининг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

«Ер муносабатларини тартибга солиш» модули йўналишдаги қуйидаги: Олий таълимнинг норматив -хукуқий асослари; илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат; таълим жараёнларида ахборот -коммуникация технологияларни қўллаш; амалий хорижий тил; тизимили таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари; маҳсус фанлар модуллари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

## **Модулининг олий таълимдаги ўрни**

Модул педагогнинг шахсий ва кассий ахборот майдонини яратиш ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва сифатини тизимили орттиришга ёрдам беради.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	Тингловчилар ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан	Мустакил тайёргарлик
			Жами	назарий	амалий машнугот	
1.	Давлат хокимият органлари ва маҳсус ваколатдаги органларнинг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари	6	2	2		2
2	Ер муносабатларини тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатлар тизими	4	2	2		
3	Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати.	6	2	2		2
4	Ер тўғрисидаги қонунчилик хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик	4	2	2		
	<b>Жами:</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>6</b>	<b>2</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1 -мавзу: Давлат ҳокимият органлари ва маҳсус ваколатдаги органларнинг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари. Вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари. Туманлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари. Шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

### **2-мавзу. Ер муносабатларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар тизими**

Ер муносабатларини тартибга солувчи қонунлар тизими. Ер муносабатларини тартибга солувчи қонун ости ҳужжатлари тизими.

### **3 -мавзу: Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати..**

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тушунчаси. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби.

### **4 -мавзу: Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ерларни хуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси. Ер қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси. Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик турлари. Ер қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг мазмuni

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1 -амалий машғулот:**

### **1 -мавзу: Ер муносабатларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар тизимини ўрганиш**

Ер муносабатларини тартибга солувчи манбалари тушунчаси ва уларнинг умумий тавсифи. Ўзбекистон Республикаси конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Махкамаси қарорлари, Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоят ҳокимиятларининг қарорлари Ер муносабатларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар тизими сифатида.

### **2 -амалий машғулот:**

### **Ер тузиш ва ер кадастрини юритишнинг хуқуқий асосларини ўрганиш**

Ер тузиш ва ер кадастрининг хуқуқий моҳияти. Ер участкаларини ажратиш ва олиб қўйиш ишларини хуқуқий тартибга солиш. Шаҳарлар ва қишлоқлар чегараларини белгилаш ва ўзлаштиришни хуқуқий тартибга солиш. Ер тузиш органлари тизими ва уларнинг хуқуқий доираси. Ер кадастрининг таркибий қисмлари. Ер кадастрини юритиш. Ер кадастрини юритувчи органлар ва уларнинг хуқуқий ваколатлари.

### **3 -амалий машғулот:**

#### **Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати билан танишиш**

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тушунчаси, асосий вазифалари, назоратни амалга оширувчи органлар ва амалга ошириш тартиби билан танишиш.

### **4 -амалий машғулот:**

#### **Ер тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик турлари билан танишиш**

Ерларни хуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси, юридик жавобгарлик, жавобгарлик турлари ва маъмурий жавобгарликнинг мазмуни билан танишиш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулни ўқитишда қўйидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далилларни тақдим эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс	2,5	1,0 балл
2	Мустақил иш		1,5 балл

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **“SWOT-таҳлил” методи.**

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



*Намуна: Ер муносабатларини тартибга солиши усулларининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга тушириң.*

S	Диспозитив усулнинг афзаллик томони	Ерга оид муносабатларни тартибга солища томонлар тенглигини тан олади
W	Диспозитив усулнинг камчилик томонлари	Ер түғрисидаги қонунчилик хужжатларининг бузилғанлиги учун жавобгарлықкка тортиш масалаларida құллаб бўлмайди
O	Диспозитив усулнинг имкониятлари	
T	Түсиқлар (ташқи)	Диспозитив усулнинг

### «ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:



- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки фоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда қасбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тез ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### Намуна.

Фикр: “Ирригация тизимларидаги ГЭСлар ишлаб чиқарадиган электр энергияси, иссиқлик электр станциялари ишлаб чиқарадиган электр энергиясига нисбатан афзал туради”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

## **“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи**

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг хар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, хар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзужаунланади.

Намуна:

Ер муносабатларини тартибга солиш усуллари			
Императив усул		Диспозитив усул	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

### **“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима -натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
---------------	--------------------------

1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишитириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гурухда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши	индивидуал ва гурухда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

### Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурухда).
- Ирригация тизимлари ишга тушириш учун бажариладагин ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

### “Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнимкамларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнимкамлар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тигловчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиши мумкин.

### “Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тигловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тигловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунини ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиликнинг тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тигнловчилар ёки қатнашчиларга қуидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- хар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

### “Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: Тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнікмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастрраб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштиради ва гурӯх аъзоларини ўз фикрлари билан гурӯҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурӯх баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурӯхлар ўз ишларини тутатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка

хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

*«Ёпиқ горизонтал дренаж қуриши технологияси» кетма-кетлигини жойлаштиринг.  
Ўзингизни текшириб кўринг!*

### **“Брифинг” методи**

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

Тақдимот қисми.

Муҳокама жараёни (савол -жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг яқунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тигнловчилар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишида ҳам фойдаланиш мумкин.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ**

#### **1 -мавзу: Давлат хокимият органлари ва маҳсус ваколатдаги органларнинг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

2. Вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат хокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

3. Туманлар давлат хокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.

4. Шаҳарлар давлат хокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари.**

Ўзбекистон республикасининг ер кодексининг 4-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги қўйидаги ваколатлари белгиланган:

**1. Ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Конституциянинг 98-моддасига биноан ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади, иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун худудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

2003 йил 29 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунининг (янги таҳрири) 1-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси - Хукумати Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (бундан буён матнда Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади) давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизимига бошчилик қиласи, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси хуқуқига эга.

Мазкур қонуннинг 5-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиши унинг асосий ваколатларига сирасига киритилган. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органларининг табиатни муҳофаза қилиш

тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради, йирик авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий оғатларнинг оқибатларини тутатиш чоратадбирларини кўради.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган сўнгти кўшимча ва ўзгартишлар киритилган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга (7-моддаси) биноан табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатига киради. Мазкур қонуннинг 9-моддасида кўрсатилишича эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларига табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёсат юритиш ҳам тааллукли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасидаги ягона давлат сиёсатини юритишга оид ваколати масаласида аниқ жавобни “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида учратишимиш мумкин. Хусусан, унда ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ер кадастрини юритиш бўйича ваколатига ер ресурларини муҳофаза қилишга қаратилган ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш киради.<sup>1</sup>

## **2. Ер Кодексига, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилиш.**

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ҳамда фармойишлар қабул қиласи. Ушбу талаб шу жумладан ер муносабатларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларга ҳам тааллукли.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги ёки ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари шаклида қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари Бош вазир томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ваколатига киравчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини ҳамда Бош вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қиласи қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари орқали назоратни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг норматив тусдаги қарорлари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўпламида эълон қилинади, кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда эса оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

<sup>1</sup> Закон Республики Узбекистан о государственном земельном кадастре. НОРМА. 2006 г.

### **3. Тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини тасдиқлаш.**

Сўнгги йилларда ер муносабатларининг ривожланишига таъсир кўрсатган қуйидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг дастурий қарорларини кўрсатишишимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти фармонлари:

- 24.11.1994 йилда қабул қилинган N УП-1009 сонли “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПФ.
- 18.03.1998 йилда қабул қилинган N УП-1978 сонли “1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида”ги ПФ.
- 10.10.1998 йилда қабул қилинган N УП-2086 сонли “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ.
- 24.03.2003 йилда қабул қилинган N УП-3226 сонли “Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ.
- 11.03.2004 йилда қабул қилинган N УП-3406 сонли “Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ.
- 08.11.2005 йилда қабул қилинган N ПП-215 сонли “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари(ширкатлари)ни фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ.
- 25.07.2006 йилда қабул қилинган “Юридик шахс ва фуқаролар бино ва иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги ПФ.

Вазирлар Маҳкамаси қарорлари:

- 29.11.1994. йилда қабул қилинган N 575 сонли “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори.
- 10.09.2001. йилда қабул қилинган N 366 сонли “Кичик корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори.
- 30.10.2003. йилда қабул қилинган N 476 сонли “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори.
- 05.11.2003. йилда қабул қилинган N 486 сонли “Қишлоқ хўжалигига ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори.
- 19.10.2004. йилда қабул қилинган N 483 сонли “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори.
- 24.12.2004. йилда қабул қилинган N 607 сонли “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори<sup>2</sup>.

### **4. Қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш, ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси табиий-қишлоқ хўжалик худудийлаштириш, ер мониторингини амалга ошириш ва давлат ер кадастрини олиб борища

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // NORMA ахборот - ҳуқуқий тизими. ООО “NORMA HAMKOR”. 2004.

муҳим аҳамиятга эга бўлган Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (“Ергеодезкадастр”) Низомини тасдиқлашга ҳақли. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2004 йил 15 октябрдаги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябрдаги №483 сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бошқармаси асосида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри (“Ергеодезкадастр”) давлат қўмитасининг Вазирлар Маҳкамасининг юкоридаги қарори билан тасдиқланган Низомида таъкидланишича, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси тизимиға Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари, Давлат геодезия назорати инспекцияси, Марказий ва Самарқанд аэрогеодезия корхоналари, Геодезия ва картография миллий маркази, “Картография” давлат илмий-лойиҳалаш корхонаси, Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институти - “Ўздаверлойиҳа”, Тупроқшунослик ва агрокимё давлат илмий-тадқиқот институти, “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси киради.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

“Ергеодезкадастр” Низомида унинг қўйидаги асосий вазифалари белгиланган:

- ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш, ер тузишни ва ерлар мониторингини ташкил қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;
- тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ерлардан оқилона фойдаланилиши ва улар муҳофаза қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- геодезия ва картография фаолиятини бошқариш;
- давлат геодезия назоратини ташкил этиш;
- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 28 июндаги №290 сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда 04.06.2004 йилдаги N 257 сонли қарори билан ўзгартирилган Низомга мувофиқ амалга оширади.

Вазирлик қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиради, ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўз тасарруфидаги республика органлари ва ҳудудий органлар орқали ҳал этади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

Вазирликнинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

- қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга қаратилган ягона агротехника сиёсатини амалга ошириш;
- замонавий агротехнологияларни такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тармоқларига жорий этиш;

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор принциплари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатаётган тармоқлар, бўғинлар ва тузилмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- аграр секторда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижара муносабатларини, оила пудратини, фермер хўжаликларини кенг ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш;
- қишлоқ хўжалигини юритишни ва қишлоқ хўжалиги экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш;
- селекция, уруғчилик, наслчилик ишлари, ветеринария, ўсимликлар карантини соҳасида давлат сиёсатини олиб бориш ҳамда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш;
- ирригация тизимларини ҳавзалар бўйича бошқариш принциплари асосида ер усти сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва барча даражаларда сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш;
- давлат сув хўжалиги тизимидан фойдаланилишини ва унинг замонавийлаштирилишини таъминлаш;
- илгаридан сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;
- қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалигида инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиша қатнашиш;
- ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун хужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;
- ўрмон хўжалигидан фойдаланиш, уни қўриклиш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;
- ўзига қарашли ташкилотлар ва корхоналарни илмий-техник ва ахборот билан таъминлаш;
- қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- қишлоқ хўжалигида ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш, ўсимликлар касалликларининг олдини олиш ва қишлоқ хўжалиги зааркунандаларига, бегона ўтларга ва чигирткага қарши курашиш бўйича ягона техника ва технология сиёсатини ўтказиш;
- ва бошқалар.

Ер кодексининг 14-моддасида ер мониторингини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши эътироф этилган. Давлат ер кадастрини тузилиши, мазмуни ва юритилиш тартиби Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуннинг 20- ва 23-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сугориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга Ер кодексининг 45-моддасига биноан алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

**5. Давлат мулкидаги ерларни тасарруф этиш.** Ер кодексининг 9-моддасига мувофиқ, ерлар асосий фойдаланиш мақсадига қараб ер фонди тоифаларига бўлинади.

Ерлардан асосий фойдаланиш мақсади-ерлардан ер-кадастр хужжатларида акс эттириладиган аниқ мақсадларни кўзлаб фойдаланишнинг қонун хужжатларида белгиланган тартиби ва шартларидир.

Ерларни ер фондининг бир тоифасидан бошқасига ўтказиш ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади.

Ерларни ер фонди тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади.

Ер фондининг тоифаси ер участкаларини бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қабул қилинадиган ер участкаларини бериш тўғрисидаги қарорларда, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда, бошқа ҳужжатларда, давлат ер кадастри ҳужжатларида кўрсатилади.

Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш бундай ўтказиш фактларини ғайриқонуйй деб ва улар асосида тузилган ер участкаларига доир битимларни ҳақиқий эмас деб топишга, шунингдек ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишни рад этишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат ер кадастрини юритиши борасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ қўйидагилардан иборат: ер участкасига бўлган ҳуқуқни ва у билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилаш.

Ер кодексининг 24-моддасига биноан, ер участкаси шартнома асосида қўйидагиларга ижарага берилади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ва юридик шахсларига-туман ва шахар ҳокимлари;

- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

**6. Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.** “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги 2003 йил 29 августрдаги (янги таҳрирдаги) қонунининг 5-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг асосий ваколати сифатида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиши кўрсатиб ўтилган. Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарувни органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради, йирик авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий оғатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрдаги сўнгги ўзгартиш ва кўшимчалар киритилган қонунда (8-модда) кўрсатилишича, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, давлат бошқарувни маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларига қўйидагилар киради:

- табиатни муҳофаза қилишга доир ягона сиёsat юритиши;

- табиат ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш;

- табиий ресурсларга нисбатан табиат кадастри юритилиши тартибини белгилаш ва бундай кадастр юритилишини таъминлаш, республика аҳамиятига молик табиий ресурсларнинг захираларини тасдиқлаш;

- ва бошқалар.

Давлат ер кадастрини юритиши борасида давлат бошқаруви “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, жойлардаги давлат ҳокимият органлари ва маҳсус ваколатли давлат бошқарувни органлари

томонидан амалга оширилади. Давлат ер кадастрини юритиш борасида маҳсус ваколатли давлат бошқаруви органи Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳисобланади.

## **7. Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш хуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк хуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш.**

Ер кодексининг 36-моддасида ер участкасида доимий ёхуд муддатли тўлиқ ёки қисман эгалик қилишга, шунингдек, ижара ва ерга нисбатан мулк хуқуқининг бекор бўлиши ҳолатлари кўзда тутилган.

Ер участкасида эгалик қилиш ёхуд ундан доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш хуқуқининг шунингдек, ижара ва ерга нисбатан мулк хуқуқининг 36-моддаси 1-11-бандларида кўрсатилган ҳолларда бекор бўлиши ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига мувофиқ хуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи хужжатларга асосан тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкаларига эгалик қилиш хуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш хуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган юридик ва жисмоний шахслар ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилишлари мумкин. Ер участкасида эгалик қилиш хуқуқини ёки ер участкасида доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш хуқуқини тугатиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда ер участкасида бўлган ижара хуқуқини тугатиш ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6-10, 12-бандларида назарда тутилган ҳолларда ер участкасида бўлган ижара хуқуқини тугатиш ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган тартибда ер участкасида ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ер участкасида эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори ер участкасида бўлган хуқуқлардан воз кечишидан яққол далолат берувчи хатти-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасида белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади.

Ер участкасида бўлган хуқуқлардан воз кечиши мазкур ер участкасида эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори мажбуриятларининг, ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган пайтдан ёки эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан узоги билан бир йил мобайнida, бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

## **8. Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш.** Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мамлакатнинг бутун ҳудудида ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш давлат назоратини амалга ошириш хуқуқига эга эканлигини англаради.

Ер кодексининг 85-моддасида ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўз ваколатлари доирасида ер тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун ер участкаларини олиб қўйиш, шу жумладан ерларни ижарага бериш шартномаларини муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги, шунингдек ерлардан фойдаланишни чеклаш ва тўхтатиб қўйишга доир материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш хуқуқига эга эканликлари мустаҳкамланган.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти бир йилда кўпи билан бир марта текширилиши мумкин. Агар орган ерлардан оқилона фойдаланмаслик ва уларни муҳофаза қилмаслик сабабларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган бўлса, у белгиланган муддатда мазкур тадбирларни текширишга ҳақлиди.

Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар ўз фаолиятларининг тӯғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## **1.2. Вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон республикасининг ер кодексининг 5-моддасида Вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги қўйидаги ваколатлари белгиланган:

**1. Тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тӯғрисида”ги (02.09.1993 й.) қонунининг 24-моддасида ҳалқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколати сифатида ҳокимнинг тақдимиға биноан, ҳудудни ривожлантиришнинг истикболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлаши, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ўз ваколатларига берилган масалаларни ҳал этиши кўрсатилган.

25-моддада эса, ҳоким қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш ва бошқа бир қанча соҳаларда ўз ваколатига берилган масалаларни ҳал этиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тӯғрисида”ги қонунининг 10-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Унга кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг (худуднинг) экология дастурини тасдиқлаш;

табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экология жиҳатидан заарли бўлган объектларни рўйхатга олиш;

табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш;

табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи, саноат чиқиндиларини ёки рўзгор чиқиндиларини тўплаш ёки кўмиб ташлашга рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш;

табиатнинг муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф муҳитга зарар етказаётган маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фаолиятини вақтингча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тӯғрисида қарорлар қабул қилиш каби ваколатларга эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг (04.04.2002 й.) 19-моддасида кўрсатилишича, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ваколатларни амалга оширадилар:

аҳолини оқилона жойлаштириш, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалаларини ҳал қиласи;

ўз ҳудудида шаҳарсозлик фаолиятини, башарти бу фаолият Шаҳарсозлик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келмаса, чеклайди, тўхтатиб қўяди ёки тақиқлайди;

шаҳарларнинг, шаҳар посёлкаларининг бош режалари ишлаб чиқилишини ташкил этади;

қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини, аҳоли пунктлари ҳудудларининг қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ва даҳаларни, мавзеларни ҳамда аҳоли пунктлари режалаштирилган тузилмаларининг бошқа қисмларини куриш лойиҳаларини тасдиқлайди;

вилоятлар ҳудудини режалаштиришнинг тарҳлари, муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг, шунингдек ободонлаштиришнинг тарҳлари ва лойиҳалари ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этади;

туманни (туманлар гурухларини) режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлайди;

маҳаллий аҳамиятга молик алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик фаолияти обьектлари чегараларини белгилайди ҳамда тегишли обьектлар ҳудудларида шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солиш тартиботини ўрнатади;

куриш қоидаларини тасдиқлайди;

аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги илмий тадқиқотлар ишлаб чиқилиши ва молиялаштирилишини, давлат шаҳарсозлик кадастри юритилишини, шаҳарсозлик фаолияти обьектлари мониторинги олиб борилишини, комплекс муҳандислик қидирувлари ўтказилишини, аҳоли пунквларини микросейсмик ҳудудларга бўлиш хариталари тузишни, шаҳарсозлик ҳужжатлари шалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилишини ва бундай ҳужжатлар экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

شاҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаёттан қарорлардан аҳолини мунтазам равишда хабардор қилиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қўйидаги қонун ҳужжатлари асосида Қорақалпоҳистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уни муҳофаза қилиш чораларини кўриш, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш юзасидан дастурлар ишлаб чиқилган:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 24.11.1994 йилги N ПФ-1009-сонли Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 24.11.1994 йилги N 575-сонли Қарори;

- Қорақалпоҳистон Республикасида фойдаланилмаётган ерларни ҳамда паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналарининг ерларини фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун тажриба тариқасида бериш тўғрисида”ги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 575 -сон қарорига 2-илова).

## **2. Ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш.**

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва унумли фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида

амалга оширадиган давлат назорати Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги 24.12.1998 йилги N 717-І-сонли ( 26.05.2000 й.; 15.12.2000 й.; 30.04.2004 й.; 03.12.2004 йилларда ўзгартиришлар киритилган) қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 26.04.2001 куни N 1029-сон билан рўйхатга олинган Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 23.04.2001 кунги N 1-сонли Қарорига илова сифатида қабул қилинган “Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофик амалга оширилади.

Мамлакатимизда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати бевосита Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарорига 2-илова сифатида қабул қилинган “Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ерга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича маҳсус ваколатли давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг ерга оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитадилар, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни текшириш бўйича комиссиялар ташкил этадилар, ушбу масала бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласидилар, уларга методик ва бошқа ёрдам кўрсатадилар.

Ерга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органларининг ваколатли мансабдор шахслари қонун бузилишининг турларини, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарни, аниқ айбдор шахсларни аниқлайдилар ва қонун бузилиши тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирадилар.

### **3. Ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш.**

Ер тузишнинг маъноси Ер кодексининг 12-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра ер тузиш ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулаг экологик мухитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Ер тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофик ер тузиш хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ер тузиш қўйидаги турларда амалга оширилади:

- истиқболга мўлжалланган (лойиҳалаш олдидан) ер тузиш, яъни ерларнинг ҳолатини ўрганиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни ташкил этишни режалаштириш;

- хўжаликларо ер тузиш, бундай турдаги ер тузиш ишлари натижасида янги обьектлар ҳосил бўлади ёки мавжудлари тартибга солинади, уларнинг чегаралари жойида белгиланади;

- ички хўжалик ер тузиш, бунда юридик ва жисмоний шахслар томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг амалга оширилиши учун ер участкаларидан оқилона фойдаланиш ишлари ташкиллаштирилади.

Хўжаликларо ер тузиш лойиҳалари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланади. Юридик ва жисмоний шахсларга ер ажратиб бериш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари туман ҳокими томонидан тасдиқланади. Ер тузиш лойиҳаларига ўзгартишлар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органларнинг руҳсати билан киритилади.

Ер тузишни ер тузиш хизмати органлари давлат бюджети маблаҳлари ҳисобидан амалга оширади. Қишлоқ хўжалик экинзорларини жойлаштириш, ерларни яхшилаш ва муҳофаза қилиш, эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш борасидаги ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ улар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

**Ер мониторинги** ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги 496-сон қарорига асосан (28.02.2003 й.; 14.04.2004 й.; 19.10.2004 йилларда ўзгартиришлар киритилган) “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисида”ги Низом қабул қилинган. Ушбу Низомда кўрсатилишича, муддатлари ва даврийлигига кўра ерларнинг ҳолатини учта гурухда кузатишлар амалга оширилади:

базавий (ер мониторингини юритишнинг дастлабки босқичида кузатиш обьектларининг ҳақиқий ҳолатини қайд этувчи бошланҳич) кузатишлар;

даврий (йиллик ва табиий тусдаги даврлар бўйича) кузатишлар;

тезкор (жорий ўзгаришларни қайд қилувчи), бир йилдан кам оралиқ даврда мунтазам ёки бирйўла бажариладиган кузатишлар.

Қорақалпоҳистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ерларнинг базавий ва даврий мониторинги - Қорақалпоҳистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари томонидан юритилади.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жисмоний шахслар ер мониторинги маълумотларидан белгиланган тартибда ҳақ тўлаган ҳолда фойдаланадилар.

Ер мониторингини юритиш бўйича ишлар давлат бюджети маблаҳлари ҳисобига амалга оширилади.

**Давлат ер кадастри** ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижаравчиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборатdir.

Давлат ер кадастрининг асосий функцияси – маълумот билан таъминлашdir. Бундай маълумот давлат ҳокимияти органлари учун мўлжалланган бўлиб, улардан ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижаравчилар ва ер участкалари мулкдорларининг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида фойдаланилади.

Давлат ер кадастри маълумотларидан ер ресурслари давлат бошқарувини, давлат назоратини амалга оширишда фойдаланилади:

- ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш;
- тупроқ унумдорлигини сақлаш ва уни оширишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш;
- кўчмас мулк ва у билан боҳлиқ битимларни давлат рўйхатига олиш;
- ер участкасини бир тоифадан бошқасига ўтказиш;
- ер тузиш;
- ерларни иқтисодий баҳолаш ва табиий ресурслар ичида ерларнинг баҳосини хисобга олиш;
- ер учун ҳақ тўлашни жорий қилиш.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг 28.08.1998 йилги “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни (13.12.2002 й., 30.08.2003 й., 30.04.2004 й., 03.12.2004 йилларда ўзгатиришлар киритилган), Вазирлар Маҳкамасининг 23.12.2000 йилги N 496-сонли “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори (28.02.2003 й., 14.04.2004 й., 19.10.2004 йилларда ўзгартиришлар киритилган) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2001 й. N 492-сонли “Ўзбекистон Республикаси худудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида кўрсатилишича, давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва маҳсус ваколатли давлат бошқаруви органи амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Ушбу қонуннинг 7-моддасига кўра давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари қўйидагилардан иборат:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;

давлат ер кадастрини юритиш ишларини маҳаллий бюджет хисобидан молиялаш;

давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

#### **4. Юридик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш.**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасига кўра, вилоят, туман, шаҳар ҳокими корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, дехқон хўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, бу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш хуқуқини тўхтатиб қўйишга, шунингдек ерларни олиб қўйишга ҳақли бўлиб, қабул қилинган бу хусусдаги қарорлар халқ депутатлари тегишли Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер муносабатларига доир бошқа масалаларни ҳал қиласидар.

Ер участкалари эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер ажратиш тарзида берилади.

Ер ажратиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Шахснинг эгалигига, фойдаланишида бўлган ёки ижара хуқуқи асосида унга тегишли бўлган ер участкаси қайтариб олингандан (сотиб олингандан) сўнггина ажратиб берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар деб, қишлоқ хўжалигига фойдаланиш учун берилган ёки ана шу мақсадлар учун ажратилган ерларга айтилади.

Республикамида суғориладиган ерлар алоҳида муҳофаза талаб қиласиди. Ушбу тоифадаги ерларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси розилиги билан ҳоким қарори асосида уларнинг тупроқ-мелиоратив ҳолати, иқтисодий кўрсаткичлари, сув билан таъминланганлик даражасига қараб ноқишлоқ хўжалик мақсадларига мўлжалланган ерлар тоифасига истисно тариқасида ўтказишга йўл қўйилади.

Алоҳида қимматга эга бўлган суғориладиган ерларда турли бино-иншоотлар қуришга фақат Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида алоҳида ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкин.

Ер кодексининг 46-моддасига кўра қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қўйидагиларга берилади:

1) қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига-товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун;

2) тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига-илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илфор тажрибани тарғиб қилиш учун;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига-фермер хўжаликларини юритиш учун;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига-дехқон хўжаликларини, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига-жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун;

6) қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга-ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш, шунингдек ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ўзга мақсадларда, қоида тариқасида, кейинчалик қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш шарти билан вақтинча фойдаланишга берилади.

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар худудида ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш, ижарага бериш қуйидаги норматив хужжатлар талабларига мувофиқ равища амалга оширилади:

- Тошкент вилояти ҳокимининг 29.11.2004 йилги N 207-сонли “Вилоят худудида қўлланиладиган ижара ҳақининг ягона ставкалари тўғрисида”ги Қарори;
- Тошкент шаҳар ҳокимининг 03.01.2003 йилги №4-сонли “Тошкент шаҳрида ер майдонларини узоқ муддатли ижарага ва доимий фойдаланишга бериш бўйича ўтказиладиган танлов савдоларининг тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Қарори;
- Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 3 январдаги 4-сонли қарорига 3-илова сифатида қабул қилинган “Танлов савдолари асосида ер майдонларини узоқ муддатли ижарага ва доимий фойдаланишга бериш тартиби тўғрисида”ги Низом;
- Тошкент шаҳар ҳокимининг 2002 йил 3 январдаги 4-сонли қарорига 1-илова сифатида қабул қилинган “Тошкент шаҳрида ер майдонларини эгалик қилишга, доимий фойдаланишга ва узоқ муддатли ижарага бериш (реализация қилиш) масалалари бўйича Хайъат тўғрисида”ги Низом.

Мамлакатимизда ер участкаларига бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармасининг 30.03.1999 йилги “Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган хукукларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб тўғрисида”ги Йўриқномаси (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 27.05.1999й. №736-сон билан рўйхатга олинган) асосида амалга оширилади.

Ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва ижара хукуки асосида фойдаланиш учун ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 34-моддасига асосан ташкил этилган комиссия томонидан ажратиб берилади.

**5. Ўлчамидан қатъи назар барча ерларни олиб қўйиш, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор сухориладиган ерлар, алоҳида муҳофаза этиладиган худудлар эгаллаган ерлар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил зоналари ерлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонлари, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлар бундан мустасно.**

Ушбу модданинг рус тилидаги таржимасида ёзилган “изъятие из всех земель” ибораси “изъятие земельных участков из всех категорий земель” тарзида баён этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 37-моддасида кўрсатилишича, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи билан келишилган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар худудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инобатга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокими ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан олдиндан келишиб олишлари шарт. Бундай тарзда олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялашга йўл қўйилмайди.

Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда объект қуриладиган жойни олдиндан келишиб олиш, шунингдек ер ажратиб беришни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг мулки бўлган ер участкасини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объекти ёки уйжой биноси ва бошқа бино ёки бинонинг бир қисми билан бирга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун қайта сотиб олиш ушбу Кодекснинг 41-моддасида назарда тутилган кафолатлар таъминланган ҳолда тегишинча туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ ҳўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

**6. Дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиҳи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш;**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари белгиланган.

Юридик шахслар доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин. Жисмоний шахслар эса мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

18-моддада эса юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари белгиланган.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳуқуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг-дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек

республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ашёвий ҳуқуқларни аукционларда сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

11.04.1995 йилги N 126-сонли “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргалиқда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида”ги Қарори (Мазкур Қарорга ЎзР ВМ 30.04.1999 й. 202-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган)

**7. Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш.**

Ер кодексининг 36-моддасида кўрсатилишича, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқлари ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуки Вазирлар Маҳкамаси билан бир қаторда вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий давлат ҳокимиияти органлари томонидан бекор қилинади.

### **1.3. Туманлар давлат ҳокимиияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ер кодексининг 6-моддасига кўра Туманлар давлат ҳокимиияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қнийдаги ваколатларга эга:

**1. Тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш.**

Туманлар давлат ҳокимиияти органларининг тупроқнинг унумдорлигини ошириш, ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан, “Маҳаллий давлат ҳокимиияти органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида маҳаллий давлат ҳокимиияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унга кўра туман ҳокими корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, дехқон ҳўжаликлари ва фуқароларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ва ижарага ер беришга, бу субъектларнинг ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга, шунингдек ерларни олиб қўйишга ҳақли бўлиб, қабул қилинган бу хусусдаги қарорлар ҳалқ депутатлари тегишли Кенгаши томонидан тасдиқланади. Ушбу қонуннинг 24-моддасида ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг асосий ваколатлари сифатида ҳокимнинг тақдимига биноан ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туманнинг бош режаси ва уни қуриш қоидаларини тасдиқлаш белгиланган.

Булардан ташқари, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ташкилий масалаларни ҳамда назоратни ҳал қиласидилар.

Ҳоким қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкини бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ ҳўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида ва бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасида кўра давлат ҳокимиияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларига ўз ҳудудида табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш, минтақанинг (ҳудуднинг) экология дастурини тасдиқлаш; табиий

ресурсларни ҳисобга олиш ва уларнинг аҳволига баҳо бериш, экология жиҳатидан зарарли бўлган объектларни рўйхатга олиш; табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш; табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи, саноат чиқиндиларини ёки рўзғор чиқиндиларини тўплаш ёки кўмиб ташлашга рухсатномаларни белгиланган тартибда бериш ёки уларни бекор қилиш; табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар ундириш; табиатнинг муҳофаза қилиниши устидан назорат ўрнатиш, атроф муҳитга зарар етказаётган маҳаллий аҳамиятга молик объектлар фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ва қайта ихтисослаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатига киради.

Ерлардан фойдаланишни худудий режалаштириш давлатнинг ушбу соҳадаги асосий ваколатларидан ҳисобланади. У ернинг табиий сифатларини, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа мақсадларини таҳлил этиш асосида амалга оширилади. Ерлардан фойдаланишни режалаштириш, бошқа давлат режалаштиришлари каби мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини дастурлаштиришга мўлжалланган. Режалаштириш жараёнида ерлардан фойдаланишнинг асосий мақсади белгиланади.

Ерлардан фойдаланишни режалаштириш туман ва бошқа маъмурий-худудий бирликлар ер-хўжалик тузилиши комплекс худудий схемасини тузишга йўналтирилган. Мазкур схемалар мавжуд ер тузилиши ҳужжатлари, давлат ер мониторинги маълумотлари, давлат ер кадастри маълумотлари асосида шаклланади.

Тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича худудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш қўйидаги қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади:

“Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 24.11.1994 йилдаги N УП-1009 сонли Биринчи Президент Фармони;

“Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 29.11.1994 йилдаги N 575 сонли Вазирлар Маҳкамаси қарори.

“Қорақалпоғистон Республикасида фойдаланилмаётган ерларни ҳамда паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерларини фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун тажриба тариқасида бериш тўғрисида”ги Низом (29.11.1994 йилдаги N 575 сонли Вазирлар Маҳкамаси қарорига 2- илова);

Ушбу ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича худудий дастурларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

## **2. Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш.**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 83-моддасига мувофиқ ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишларини таъминлашдан иборатdir.

Ушбу норма “Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида”ги Низомда (“Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳузуридаги давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисидаги, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги, давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳакида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги № 66 сонли қарорига № 2 сонли илова) янада аниқлаштирилган/

Хусусан, юқорида келтирилган Низомнинг 5-бандига мувофиқ, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан оширилади.

6-бандда эса маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари санаб ўтилган. Улар ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича маҳсус ваколатли

давлат органлари худудий бўлинмаларининг ерга оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисботларини эшитадилар, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни текшириш бўйича комиссиялар ташкил этадилар, ушбу масала бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ белгиланган тартибда қуидаги функцияларни амалга оширадилар:

а) ерларни муҳофаза қилиш бўйича комплекс тадбирлар бажарилишини устидан назорат қилиш, улар қуидагиларни ўз ичига олади:

тупроқ унумдорлигини, шунингдек ерларнинг бошқа хоссаларини қайта тиклаш ва ошириш;

ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишидан, ботқоқланишдан, қайта шўрланишдан, қуриб қолишдан, зичлашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, емирилишнинг бошқа жараёнларидан муҳофаза қилиш;

қишлоқ хўжалиги экин майдонларини буталар ва майда дов-дарахтлар, бегона ўтлар ўсишидан ҳамда ерларнинг техник ҳолати ёмонлашишининг бошқа жараёнларидан муҳофаза қилиш;

агар бошқа усуллар билан тупроқ унумдорлигини тиклаш мумкин бўлмаса, унумсизланган қишлоқ хўжалиги ерларини консервация қилиш;

бузилган ерларни рекультивация қилиш, уларнинг унумдорлигини ва ерларнинг бошқа фойдали хоссаларини ошириш;

ер бузилиши билан боғлик ишларни бажаришда тупроқнинг унумдор қатламларини олиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш;

б) сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқбўйи полосалари учун ер ажратилиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш;

в) фойдали конларни қазиш, қурилиш ишлари ва бошқа ишлар учун берилган қишлоқ хўжалиги ерлари, ўрмон ерлари ва бошқа ерларнинг ушбу ишлар тугаллангандан кейин белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилиши устидан назорат қилиш;

г) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан:

табиий-иқтисодий шарт-шароитларга мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишларни, дехқончиликнинг энг самарали ва оқилона тизимини жорий этиш;

хайдаладиган ер майдонлари сақлаб қолинишини таъминлаш;

мелиоратив жиҳатдан нобоп бўлган суғориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш, пичанзорлар ва яйловларга сув чиқариш ва уларни яхшилаш тадбирлари бажарилишини назорат қилиш;

д) давлат эҳтиёjlари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини ўлчаш.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ўз ваколатлари доирасида қуидаги ҳукуқларга эга:

ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни белгиланган тартибда текшириш;

ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этишга ва ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлик тадбирларни амалга оширишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

айбдор мансабдор шахсларни ва фуқароларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъволар киритиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тақдимномалар йўллаш ва материалларни ҳуқукни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш;

ерга оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларини тўлиқ ёки қисман олиб қўйиш тўғрисида тақдимномалар ҳамда ер участкаларининг унумсизланиб қолганлигини белгилаш ҳақида маҳаллий давлат хокимияти органларига таклифлар киритиш.

**3. Фуқароларга, юридик шахсларга эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш, шунингдек тубдан яхшилаш ишлари амалга оширилган сугориладиган ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқари ерларни, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлардан ташқари ўрмон фонди ерларини, саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерларни, сув фонди ерларини олиб қўйиш - ҳар бир ер эгасига ва ердан фойдаланувчига ўн гектаргача ўлчамда.**

Ер кодексининг 17-моддасига биноан юридик шахслар Ер Кодекси ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳукуки асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Жисмоний шахслар ушбу Кодекс ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилдиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳукуки асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин.

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тарикасида амалга оширилади.

Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун хужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Эгалиқдаги, фойдаланишдаги, ижарадаги ва мулк қилиб берилган ер участкасини бошқа шахсларга бериш (реализация қилиш) фақат шу участка белгиланган тартибда олиб қўйилганидан (сотиб олинганидан) кейин амалга оширилади.

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобиль йўллари, алоқа ва электр ўтказиш линиялари, магистрал трубопроводлар қуриш учун, шунингдек қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар ёки қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлган ерлар ёхуд қишлоқ хўжалигининг сифати ёмон ерлари берилади (реализация қилинади). Ўрмон фондига қарашли ерлардан мазкур мақсадлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бута ва арzonбаҳо дов-дараҳтлар билан қопланган майдонлар ҳисобидан амалга оширилади.

Берилган (реализация қилинган) ер участкасининг чегараларини тегишли ер тузиш хизмати натурада (жойнинг ўзида) белгилагунига ва ер участкасига бўлган ҳукуқни тасдиқлайдиган хужжатлар берилгунига қадар мазкур ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга киришиш тақиқланади.

Ер участкаларини эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб бериш (реализация қилиш) тартиби қонун хужжатлари билан белгиланади.

#### **4. Фуқароларга фермер хўжалиги юритиш учун ерларни ижарага бериш.**

Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустакил хўжалик юритувчи субъектдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 10-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 53-моддаси фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларини бериш тартибини белгилайди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида”ги Низом (2003 йил 30 октябрдаги №7 сонли қарорига илова) тасдиқланган.

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкаси танлов асосида эллик йилгача бўлган, бироқ ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади.

Фермер хўжаликлари томонидан ер участкалари ижарага олинишида мазкур фермер хўжалиги ташкил этилаётган худудда яшовчи шахслар устувор ҳукуқдан фойдаланадилар.

Юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар ва (ёки) захирадаги ерлар, шундай ер участкаларини ажратиш тўғрисидаги, шунингдек ушбу ерларни фермер хўжаликларига бериш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги туман ҳокими қарори асосида берилади.

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкалари маҳсус тузилган комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари асосида туман ҳокимининг қарори билан берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари мазкур кооперативнинг (ширкат хўжалигининг) ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг аъзоларига (ходимларига) фермер хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативнинг (ширкат хўжалигининг) умумий йиғилиши томонидан, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг ваколатли органи томонидан ўтказилган танлов якунларига кўра туман ҳокимининг қарорига асосан берилиши мумкин.

Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори вилоят ҳокими бошчилик қиласидан ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Ҳокимнинг танлов ўтказиш тўғрисидаги қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари бошқаруви (маъмурияти) биноларида осиб кўйилиши керак. Эълонда қуидагилар кўрсатилиши лозим: ер участкасининг ўлчами, жойлашган жойи, сифати ва бошқа тавсифлари, ташкил этилаётган фермер хўжалигининг мўлжалланаётган ихтинослашуви, танловнинг ўтказилиш вақти ва жойи. Танлов уни ўтказиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида ўтказилиши керак.

Ер участкалари бериш тўғрисидаги ариза ташкил этилаётган хўжаликнинг бизнес-режаси ёки фаолият дастури илова қилинган ҳолда танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида туман ҳокимига берилади. Аризада ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми, унинг турар жойи, сўралаётган ер участкаси жойлашган жой, унинг майдони, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг номи, мўлжалланаётган ихтинослашув, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалиги ташкил этишда - боқилиши мўлжалланаётган молларнинг турлари бўйича бош сони, ер участкасини ижарага олиш муддати кўрсатилади. Фуқароларнинг аризаси маҳсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

Туман ҳокими аризани ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияга беради, комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказади.

Комиссия қарори протокол билан расмийлаштирилади ва туман ҳокимига берилади. Туман ҳокими комиссия қарори асосида уч кун мобайнида фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқаради ва уч кун муддатда ушбу қарорни ҳамда танлов комиссияси иши натижаларини вилоят ҳокими бошчилик қиласидан ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясига тасдиқлаш учун юборади.

Вилоят ҳокими бошчилик қиласидан вилоят комиссияси тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади ва туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш (ёки тасдиқлашни рад этиш) ҳакида қарор қабул қиласиди. Рад этиш тўғрисидаги қарор танловни ўтказиш шартлари бузилган тақдирда ва ер участкасини ижарага бериш тартибининг қўпол равишда бузилишлари аниқланган ҳолларда қабул қилинади.

Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари)нинг ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг ер участкалари маҳсус тузилган комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари асосида туман ҳокимининг қарори билан берилади.

Ҳокимнинг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш юкорида баён этилган Низомнинг 16-бандига мувофиқ амалга оширилади.

**5. Фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш.**

Ер кодекси 8-моддасининг 1-7-бандларида кўрсатилган ер фонди тоифаларига киритилмаган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга эгалик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб берилмаган (реализация қилинмаган) барча ерлар захира ерлардир.

Захира ерлар туман, шаҳар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфида бўлади ва ушбу Кодексга мувофиқ асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжалланади<sup>3</sup>.

Захира ерлар Ўзбекистон ер фонди таркибининг мустақил категориясини ташкил этиб, уларнинг умумий майдони 7596,1 минг гектарни ёки ер фондининг 17,0%идан иборат.

Маълумки, ер участкаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан корхона, муассаса, ташкилотлар ўртасида тақсимланиши натижасида ерларнинг бир қисми тақсимланмай қолади, бу асосан, ўзлаштирилмаган ерлар бўлиб, улар захира ерларини ташкил этади. Бундан ташқари кўп ҳолларда ушбу ерлар уларни хўжалик муомиласига киритиш учун захира вазифасини ўтаб, бир вақтнинг ўзида экологик мувозанатни сақлайди.

Захира ерларидан фойдаланишни икки турга ажратиш мумкин. Биринчи тоифасини захира вазифасини бажарувчи ерлар, яъни келгусида, муайян шароитларда қишлоқ хўжалиги ва бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланишга мўлжалланган ерлар; иккичи тоифасини – хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланишга яроқсиз бўлган ерлар ташкил этади.

Амалиёт гувоҳлик беришича, захира ерлари ер фондининг ҳар қандай бошқа тоифасига ўтказилиши мумкин. Бироқ бу фақатгина ер қонунчилиги талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Ер участкасини фойдаланиш мақсадига кўра бир тоифасидан бошқасига ўтказишда уларга янги категория мақоми тадбиқ этилади.

Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли-уч йилгача ва узоқ муддатли-уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Қисқа муддатга фойдаланишга берилган ер участкалари муддати тугагач захира ерлари тоифасига киритилиши ёки ердан фойдаланувчига топширилиши мумкин. Ерлар узоқ муддатли фойдаланишга топширилганда ушбу ерлар захира ерлари категориясидан чиқади.

Захира ерлари асосан умумий боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун, шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган, транспорт, саноат, ишлаб чиқариш ёки қишлоқ хўжалиги учун фойдаланилиши мумкин.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, захира ерлар келгусида қишлоқ хўжалиги мақсадларида эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш учун имтиёзли ҳисобланади.

Захира ерлари туман ва шаҳар давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари захира ерлар қишлоқ хўжалиги ўзини-ўзи бошқариш органлари ихтиёрига ҳам берилиши мумкин.

Мазкур муассасалар санаб ўтилган мақсадлардан ташқари ерларни фуқароларга тураржой қуриш ҳам беришлари мумкин. Албатта, бунда шуни инобатга олиш лозимки, ердан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлмаслиги лозим.

## **6. Ер участкаларини савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари билан биргаликда юридик ва жисмоний шахсларга мулк этиб реализация қилиш.**

Ер кодексининг 18-моддасига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳукуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун хужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Ушбу муносабатларнинг ҳукуқий асосларини “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги №126 сонли қарорига 3-илова) ташкил этади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан, хорижий жисмоний ва юридик

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси ер кодекси, . 78-модда.

шахсларга, хусусийлаштириладиган объектларни сотиб олишда улар фойдаланадиган маблағларнинг манбалари ҳақида декларация талаб қилмаган ҳолда, хусусий мулк сифатида сотиш танлов асосида ёки кимошди савдоларида Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг белгиланган тартибида ва “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Сотиш тегишли ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган ер майдонларини хусусий мулк сифатида сотиш ҳақидаги қарорларни тақдим этишгандан кейин Давлат мулки қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси билан янги мулкдор ўртасида объектнинг фаолият тури тўғрисида шартнома тузиш танлов ёки кимошди савдосининг шарти ҳисобланади

Вилоят, туман ва шаҳар ер тузиш хизматлари тегишли ҳудуд бўйича қурилган ва чала қурилган ер майдонларининг чегараларини (контурларини) натура тарзида белгилайдилар ҳамда сотувчига (Давлат мулки қўмитасига ёки унинг худудий бошқармасига) ана шу майдонларнинг ҳажмини тасдиқловчи хужжатларни берадилар. Бунда ер майдони савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг сотиб олинаётган объектининг санитария ва технология жиҳатидан фаолият кўрсатишини таъминлаш учун зарур бўлган энг кам ҳажмдан ошмаслиги керак.

Танлов ёки кимошди савдоси ғолибига Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси томонидан уни кейинчалик тегишли ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида рўйхатдан ўтказиш учун объектга у жойлашган ер майдони билан биргаликда эгалик қилиш хукукини берувчи давлат далолатномаси белгиланган тартибда берилади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда танлов бўйича ва кимошди савдосида хусусий мулк сифатида сотилаётганда объектнинг ва ер майдонининг нархини ўз ичига олувчи ягона бошланғич нарх белгиланади.

## **7. Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хукукини кимошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш.**

Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хукукини фуқароларга реализация қилиш тартиби “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрелдаги №126 сонли қарорига З-илова) билан тартибга солинади.

Ер майдонлари мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектар ва дехқон хўжалик юритиш учун 0,06 гектар доирасида кимошди савдоларида сотилади.

Кимошди савдосида ва танлов асосида тажриба сифатида сотиладиган Қорақалпоғистон Республикасидаги фойдаланилмаётган ер майдонларининг, шунингдек, зарар кўриб ишлайдиган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун сотиладиган ерларининг бошланғич нархи, карор топган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда, ерларни сифат жиҳатдан баҳолаш натижалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши белгилайдиган тартибда белгиланади.

Кимошди савдоларини ўтказиш тартиби Давлат мулки қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 26 январда “Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хукукини кимошди савдоси асосида фуқароларга реализация қилиш тартиби” тўғрисидаги Вактинчалик Низом рўйхатга

олинган. Кимошди савдоси асосида реализация қилиш деганда ер участкаларини нархни эркин шакллантириш тамойиллари асосида очик савдо йўли билан реализация қилиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулки таркибида бўлган ер участкаларини реализация қилиш тўғрисидаги қарор ер участкаси ажратиш бўйича доимий фаолият юритувчи маҳсус комиссия таклифи асосида шаҳар ва туман ҳокимиятлари томонидан қабул қилинади.

Кимошди савдоси асосида якка турар жой қуриш, шахсий қўшимча хўжалик юритиш учун ерлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида халқ хўжалигида фойдаланимаётган ер участкалари, шунингдек, зарар кўриб ишлайдиган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалиги корхоналари реализация қилиниши мумкин.

Ҳокимият кимошди савдосига қўйилаётган ер участкаларини ажратиш бўйича доимий фаолият юритувчи маҳсус комиссия таклифи асосида ер участкалари реестрини тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаларига хужжатларни тақдим этади.

Мазкур хужжатлар ўз ичига қуидагиларни олади:

- ер участкасининг ер участкаларини ажратиш бўйича доимий фаолият юритувчи маҳсус комиссия таклифи асосида кимошди савдосида реализация этилганлиги тўғрисидаги ҳокимият қарори;

- ер участкасининг участка режасига қўйилган техник талабларга мувофиқ тайёрланган режаси,

- ер участкаси экспликацияси;

- кимошди савдосига қўйилаётган фойдаланишнинг алоҳида режими белгиланган ер участкалари рўйхати.

Ҳокимият тайёрланган хужжатлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаларига тақдим этади. Ушбу қўмита эса қуидагиларни тайёрлайди:

- ер участкаларини кимошди савдоси орқали реализация қилиш ва аукцион комиссияларини тузиш;

- ер участкаларининг бошланғич нархини кўрсатган ҳолда кимошди савдоси ўтказиш тўғрисидаги ахборот маълумоти лойиҳаси.

Биржа фаолияти, Давлат мулк қўмитаси кимошди савдоси ва танловларини ташкил этиш бошқармаси (худудий бошқармаларда тегишли бўлимлар) қошида тузилган кимошди савдоси комиссияси ўз функциясини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кимошди савдоси комиссияси тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширади.

Кимошди савдоси ташкилотчиси сифатида чиқиши мумкин бўлган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, унинг худудий бошқармалари, Республика кўчмас мулк биржаси Давлат мулк қўмитаси топширифига биноан:

- белгиланган тартибга мувофиқ, кимошди савдосида реализация қилинадиган ер участкаси тўғрисидаги ахборот маълумоти чоп этилишини ташкиллаштиради ва реклама бўйича фаолиятни амалга ошириш;

- кимошди савдоси ташкил этилиши ва амалга оширилишини ташкиллаштиради;

- жамоатчиликни кимошди савдоси натижаларидан хабардор этади.

Туман ва шаҳар ҳокимиятларидан ва кимошди савдоси комиссияларидан олинган маълумотлар асосида кимошди савдоси ташкилотчиси кимошди савдосида реализация қилинишга таклиф этилаётган обьект тўғрисидаги ахборот маълумотини тузади ва унинг кимошди савдоси эълон қилинган кундан уч ҳафтадан кечиктирмай нашрда ва маҳсус ахборот бюллетенларида чоп этилишини ташкиллаштиради.

Кимошди савдосида иштирок этишга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофиқ сотиб олувчи деб тан олинадиган ва кимошди савдосида катнашиш учун ўз вақтида ариза берган ҳамда ушбу Низом талабларини бажариш мажбуриятини олган, бошқа зарур хужжатларни тақдим этган ҳамда белгиланган тартибда ер участкаси дастлабки нархининг 10 фоизи миқдоридаги гаров пулини киритган фукаролар қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказишга уч кун қолганда тўхтатилади.

Кимошди савдосида иштирок этиш учун ариза берган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмайди, муайян кимошди савдоси аъзолари ёки ташкилотчилари тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно.

Аризачининг кимошди савдосида иштирок этиши рад этилиши мумкин, агар:

- ариза берган шахс, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, сотиб оловчи сифатида тан олиниши мумкин бўлмаса;

- ариза берган шахс, белгиланган муддатда топширилиши лозим бўлган юқоридаги низомда кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этмаса.

### **8. Ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш.**

Ер тузиш ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, ер ресурсларини хисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳит тузиш ва табиий ландшафтларни яхшилаш, ер тузишнинг ички хўжалик ва ҳудудий режаларини тузишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини қамраб олади.

Ер тузиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимиияти органи қарорига ёки юридик ва жисмоний шахсларнинг талабномаларига мувофиқ ер тузиш хизмати органлари томонидан амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 12-моддаси).

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат.

Давлат ер кадастрини юритишни, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади.

Ер мониторингини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2000 йил 23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №496 сонли “Ўзбекистон Республикасида ер мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ер мониторингининг асосий вазифалари қуйидагилар хисобланади:

– ер фонди ҳолати ўзгаришларини ўз вақтида аниқлаш устидан кузатишлар тизимини ташкил этиш ва амалга ошириш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларни прогнозлаш ҳамда уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

– давлат ер кадастри юритилишини, ердан фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер ресурсларини давлат томонидан бошқаришга доир бошқа функциялар устидан давлат назоратини ахборот билан таъминлаш.

Ер кодексининг 15-моддасига мувофиқ, давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

“Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, давлат ҳокимиияти маҳаллий органларининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

– ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;

– давлат ер кадастрини юритиш ишларини маҳаллий бюджет хисобидан молиялаш;

– давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

– қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**9. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш.** Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олиниши тартиби 1999 йил 27 майда №736 сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида” Йўриқнома билан белгиланади.

Ер участкаларини давлат рўйхатидан ўтказиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- ер участкаларига мулкчилик ҳуқуқи пайдо бўлганда - мулкчилик ҳуқуқига давлат ордери, олди-сотди шартномалари ва қонун хужжатларида кўзда тутилган бошқа хужжатлар асосида;

- ер участкаларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлганда - ерни бериш тўғрисида тегишли органнинг (мансабдор шахснинг) қарори асосида;

- ижара ҳуқуқи пайдо бўлганда - ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги қарор ва ижара шартномаси асосида;

- ер участкаларига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ўтказилганда - бинолар ва иншоотларнинг олди-сотди шартномаси, уларни алмаштириш, ҳадя қилиш, рента шартномаси, мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки мулк эгасининг ёхуд унинг ваколатли органининг (шахснинг) қарори асосида;

- сервิตутларда - шартнома ёки суд қарори асосида;

- мушкуллаштиришда - тегишли органларнинг қарорлари асосида.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш қўйидаги изчилликда амалга оширилади:

- ариза қабул қилинади;

- ариза ва унга илова қилинган хужжатлар ва материаллар текшириб кўрилади;

- аризаларни қабул қилиш реестрида ариза қайд этилади;

- ер участкасига бўлган ҳуқуқлар рўйхатга олинади;

- ер участкасига бўлган ҳуқуқлар рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома субъектга берилади.

Ер участкасига рўйхатта олинаётган ҳуқуқнинг турига қараб юридик ёки жимоний шахснинг аризасига қўйидагилар илова қилинади:

- ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ўтиши, чекланиши ёки тўхтатилишини тасдиқловчи хужжатлар (1-илова);

- ер участкасини баҳолаш материаллари (тупроқлар бонитети, қийматини баҳолаш ва х.к.);

- белгилангандар тартибда тасдиқланган ер участкасининг кадастр режаси.

**10. Ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгилангандар тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш.**

Бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;

2) ер участкаси берилган муддат тугаганда;

3) юридик шахс тугатилганда;

4) ерларни ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда ёки бекор бўлганда;

5) хизматда фойдаланиш учун чек ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда, агар қонун хужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;

6) ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;

7) ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганды, бу қишлоқ хұжалигига мүлжалланған ерлар учун ҳосилдорлик даражасы уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига күра) паст бўлишида ифодаланганда;

8) ер участкасидан тупрок унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;

9) қонун ҳужжатларида белгиланған муддатларда ер солиги, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланған муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганды;

10) қишлоқ хұжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хұжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;

11) мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқукини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуки гаровда бўлган тақдирда эса, - гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаётган ер участкалари аввалги эгаларидан улар тўлаган ҳақ қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади;

12) ер участкаси ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда олиб қўйилганида.

Қонун ҳужжатларида ер участкаларига эгалик қилиш хуқуки, ер участкаларидан доимий фойдаланиш хуқуки ва ер участкаларини ижарага олиш хуқукини бекор қилишнинг бошқа ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ер участкаларига бўлган мулк хуқуки белгиланған тартибда қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

1) савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилганды;

2) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда қайта сотиб олинганды;

3) қонунда белгиланған ҳолларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа иморатлар ёки иморатларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан бирга мусодара этилганды.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-11-бандларида кўрсатилган ҳолларда ер участкасига эгалик қилиш хуқукини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш хуқукини тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига мувофиқ хуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосан тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкаларига эгалик қилиш хуқукини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш хуқукини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган юридик ва жисмоний шахслар ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилишлари мумкин. Ер участкасига эгалик қилиш хуқукини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш хуқукини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланған тартибда амалга оширилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара хуқукини тугатиш ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6-10, 12-бандларида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара хуқукини тугатиш Ер кодексининг 24-моддасида назарда тутилган тартибда ер участкасининг ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижаракчиси ҳамда мулкдори ер участкасига бўлган хуқуқлардан воз кечишидан яққол далолат берувчи хатти-харакатлар (чет

элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуклардан воз кечиш мазкур ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори мажбуриятларининг, ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган пайтдан ёки эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан узоги билан бир йил мобайнида, бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

**11. Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ташкил этилган, қайта ташкил этилган ва тугатилган ҳолларда, уларнинг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши масалаларини ҳал этиш.**

Ер кодексининг 43-моддасида таъкидланишича, қишлоқ хўжалиги эҳтиёjlари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати деганда Республиkanинг нисбатан қимматли ер фонди тоифасидан фойдаланишнинг маҳсус тартиби тушунилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун яроқли бўлган барча ерлар фойдаланишнинг имтиёzли мақомига эга ҳисобланади. Бу қуйидагиларни англатади:

*Биринчидан*, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар авваламбор қишлоқ хўжалигини юритиш учун берилиши лозим (Ер кодексининг 46-моддаси). Ерларнинг қишлоқ хўжалиги эҳтиёjlари учун яроқлилиги давлат ер кадастри маълумотлари асосида аниқланади;

*Иккинчидан*, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан хўжалик мақсадларида фойдаланишда ишлаб чиқариш ерларнинг ҳолатини ёмонлаштирумаслиги, балки тупроқ унумдорлигини, уларнинг фойдали хусусиятларини яхшилаш ва тиклашга имкон бериши лозим.

*Учинчидан*, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун олиб қўйиш қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг чекланиши ёки мазкур ерлар сифатининг ёмонлашига ва ҳ.к. ердан фойдаланувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши зарар ва ўқотишлари қопланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мақсадларида қишлоқ хўжалиги ер участкалари қуйидаги қишлоқ хўжалиги ташкилотларига (юридик шахсларга) тақдим этилади: фермер хўжаликлари, хусусий (шахсий-ижараий) ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, хўжалик ширкатлари, давлат қишлоқ хўжалиги ташкилотлари. Яъни кўрсатилган субъектлар фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга оширади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қуйидагиларга берилади:

1) қишлоқ хўжалиги кооперативларига (ширкат хўжаликларига), бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига - товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш учун;

2) тажриба-ишлаб чиқариш, ўкув, ўкув-тажриба ва ўкув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига - илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибани тарғиб килиш учун;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - фермер хўжаликларини юритиш учун;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - деҳқон хўжаликларини, якка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига - жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун;

6) қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга - ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун (Ер кодексининг 46-моддаси).

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалигини юритиш, шунингдек ўзга мақсадлар учун берилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ўзга мақсадларда, қоида тариқасида, кейинчалик қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш шарти билан вақтингча фойдаланишга берилади.

#### **1.4. Шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ер кодексининг 8-моддасига кўра шаҳарлар давлат ҳокимияти органларига ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қўйидаги ваколатлар берилган:

**1.Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси 4-моддасида айтиб ўтилганидек, шаҳарсозлик фаолияти шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини яшаш шароитлари билан таъминлаш, хўжалик ва бошқа фаолият турларининг атроф-муҳитга таъсирининг олдини олиш, экологик вазиятнинг яхшиланиши, аҳоли пунктларининг муҳандислиқ, транспорт ва ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш, шаҳарсозлик воситалари билан маданий мерос объектларини сақлаш.**

Аҳоли пунктларининг, муҳандислиқ, транспорт ва ижтимоий инфраструктура давлат тизимлари барқарор тараққиёти, табиий заҳираларни сақлаш, маданий мерос объектларининг муҳофазаси учун шароитнинг таъминланиши шаҳарсозлик соҳасида давлат манфаатлари ҳисобланади.

Аҳолининг сонига қараб шаҳар аҳоли пунктлари Шаҳарсозлик кодексининг 9-моддасига мувофиқ қўйидаги турларга бўлинади:

Энг йирик – аҳолининг сони бир миллиондан ортиқ;

йирик – аҳолининг сони икки юз эллик мингдан бир миллионгача;

катта – аҳолининг сони юз мингдан икки юз эллик мингача;

ўрта – аҳолининг сони эллик мингдан юз мингача;

кичик – аҳолининг сони эллик мингача.

Аҳолининг сонига кўра қишлоқ аҳоли пунктлари қўйидагиларга ажратилади:

йирик – аҳолининг сони беш мингдан ортиқ;

катта – аҳолининг сони уч мингдан беш мингача;

ўрта – аҳолининг сони бир мингдан уч мингача;

кичик – аҳолининг сони минг кишигача.

Аҳоли пунктининг турига қараб конунчилик томонидан шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби ўрнатилади.

Янги ва мавжуд аҳоли пунктларининг жойлаштирилиши аҳоли пунктининг турига, ижтимоий-иқтисодий ва шаҳарсозлик башорат, Ўзбекистон Республикаси худудида жойлаштиришнинг бош схемасига, худудларни режалаштириш ва туманларни лойиҳалаштириш (районлар группаси), шунингдек режалар лойиҳаларига мувофиқ амалга оширилади.

Аҳоли пунктлари худудидаги ерлар жойларда давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлиб, улар ўз фаолиятини тасдиқланган режаларга кўра амалга оширадилар.

Шаҳар ва туман давлат ҳокимияти органлари Шаҳарсозлик кодексининг 20-моддасида айтилганидек қўйидагиларни амалга оширадилар:

Шаҳарсозлик тўғрисидаги конунчиликка риоя қилишни амалга оширадилар, шунингдек ер жамғармасининг, ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларининг бутунлигини таъминлайди;

Оқилона жойлаштириш, мұхандислик, транспорт ва ижтимоий инфраструктура масалаларини ҳал қыладилар;

Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиши бўйича вазифани амалга оширадилар ва уларни маблағ билан таъминлайдилар.

Агар у мазкур Кодекс ва қонунчиликнинг бошқа актларига мувофиқ бўлмаса, ўз худудларида шаҳарсозлик фаолиятини чеклайдилар, тўхтатадилар ёки ман қыладилар;

Қонунчиликда ўрнатилган тартибда ўзбошимчалик билан қурилган объектларни бузишни ташкил қыладилар;

Туман (туманлар гурухи) планини тузишда, батафсил лойиҳалаштиришда, қуриш лойиҳалари ва уларни амалга оширишда иштирок этадилар;

Объектларни қуриш тўғрисида қабул қиилишда иштирок этадилар;

Бинолар, иншоотлар, ва аҳоли пунктларининг бошқа обьектларининг техник ҳолатини инвентаризация қилишни ташкил қыладилар;

Ахолини шаҳарсозлик фаолияти соҳасида қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида хабардор қилиб турадилар;

Қонунчиликка мувофиқ бошқа фаолиятларни амалга оширади;

Мазкур модданинг саккизинчи абзаци қоидалари шаҳарлар таркибига кирувчи районлар давлат ҳокимияти органларига татбиқ қилинмайди.

Ерларни муҳофаза қилиш Ер Кодексининг 79-82-моддаларига мувофиқ амалга оширилади. Ерларни муҳофаза қилиш деганда ерларнинг хосилдорлигини ошириш, улардан оқилона фойдаланиш, қайта ишлашга, ўрмон фондининг ерлари самарадорлигини оширишга, ерларни қишлоқ ҳўжалиги обороти ва алоҳида муҳофаза қилинадиган ерлар таркибидан асоссиз олиб қўйиш, заарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқукий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа тадбирлар тизими тушунилади.

## **2. Ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни давлат томонидан назорат қилинишини амалга ошириш**

Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг асосий вазифалари Ер Кодексининг 83-моддасида айтилган бўлиб, унда юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан қонунчилик талабларининг риоя қилинишини англатади.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишдан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишнинг давлат назорати Ер Кодексида белгиланган тартибда, жойларда давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонун билан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Қонуни, 1988 йил 24 декабрда қабул қилинган ва 2000 йил 26 майда, 2000 йил 15 декабр, 2004 йил 30 апрел, 2006 йил 23 марта ўзгартириш киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектларининг давлат назорати тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Шаҳарлар ерларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга оширишда вазирликлар давлат инспекциялари, ушбу соҳада давлат назоратини амалга ошириш ҳуқуки мавжуд давлат кўмиталари мухим аҳамият касб этадилар.

Адлия Вазирлигига 2001 йил 26 апрель N 1029 сонли рақам остида қайд қилинган Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини координация қилиш тартиби тўғрисидаги Конуни томонидан назорат қилувчи органларнинг тартиби ва кетма кетлиги тартибга солинган.

2005 йил 16 февраль №66 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори томонидан мустаҳкамланган Конунда ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назорат қилиш шартлари ва тартиби белгилаб берилган.

Ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни назорат қилиш бўйича шаҳарлар давлат ҳокимияти органлари ваколатлари Ер Кодексининг 84-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ундан ташқари Шаҳарсозлик кодексининг 20-моддасида шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг тасарруфига шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилишни, шунингдек ер фондининг, жамоатчилик ва ишлаб чиқариш органлари обьектларининг бутунлигини сақлашни таъминлаш назорат қилиш киритилган.

**3. Ерларни эгаликка топшириш, фойдаланиш ва ижара, шунингдек ерларни шаҳар худуди чегараларида олиб қўйиш, қишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмон-хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ер майдонидан қатъий назар бундан истисно.**

Ер Кодексининг 8-моддасида ерларнинг саккиз тоифаси ичida иккинchi ўринда аҳоли пунктлари ерлари (шаҳарлар, қишлоқлар) – шаҳар ва поселкалар худудлари ташқарисидаги ерлар турибди.

Ер кодексининг 59-моддасида айтилганидек, шаҳарлар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларидаги барча ерлар шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерлари жумласига киради. Бу ерлар таркибиغا ёйидагилар киради:

- 1) шаҳар ва посёлка суримиши ерлари;
- 2) умумий фойдаланишдаги ерлар;
- 3) қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерлар ва бошқа ерлар;
- 4) дарахтзорлар эгаллаган ерлар;
- 5) саноат, транспорт, алоға, мудофаа ва бошқа маёсадларга мўлжалланган ерлар;
- 6) алоҳида муҳофаза этиладиган худудларнинг ерлари;
- 7) сув фонди ерлари;
- 8) захира ерлар.

Шаҳарлар давлат ҳокимияти органлари (ҳокимиятлар), амалдаги қонунчиликка мувофиқ ерларни эгаликка бериши, фойдаланишга ва ижарага, шунингдек уларни шаҳар чегаралари доирасида олиб қўйишлари мумкин. Қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган ерлар бундан мустасно.

Шаҳар давлат ҳокимияти органларига уларнинг маъмурий-худудий чегаралари сарҳадида ерларни бериш ва олиб қўйиш ҳуқуқи қўйидаги асосий норматив-ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади:

Жойларда давлат ҳокимияти тўғрисидаги Конун, Ер Кодекси, Давлат Ер Кадастри тўғрисидаги Конун, Шаҳарсозлик кодекси, Фуқаролик Кодекси ва бошқалар

**4. Ер майдонларининг савдо ва хизмат обьектлари билан бирга юридик ва жисмоний шахслар мулкига топшириш**

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер майдонлариiga эгалик қилиш ҳуқуқи савдо ва хизмат соҳаларини хусусийлаштиришда улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ер Кодексининг 18-моддасида белгиланган тартибда пайдо бўлади.

Ушбу мақсадда ер майдонларини сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрел №126 “ « Савдо ва хизмат доираларини улар жойлаштирилган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулкка бериш тартиби тўғрисида”ги Конуни, 1999 й. 30 апрел №202 ўзгаришлар киритилиб, чиқарилди.

“Савдо ва хизмат доираларини улар жойлаштирилган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулкка бериш” Конунининг 6 бандида таъкидлаб ўтилганидек, бериш Давлат мулк кўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ер участкаларини хусусий мулкка бериш тўғрисидаги қарор кўрсатилгандан кейин амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорида ер квадрат метрининг суммаси унинг жойлашган жойига, сув билан таъминланишига ва хосилдорлигига боғлик ҳолда келтирилади. Шу ернинг ўзида хусусий мулкка берилмайдиган ва кимошди савдосида ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ерлари рўйхати келтирилган. Бундай ерларга умумий фойдаланишдаги ерлар киради (майдонлар, кўчалар, проездлар, йўллар, қирғоқлар, сайилгоҳлар, сув муҳофазаси зоналари, чўмилиш зоналари ва бошқалар)

Шунингдек:

- табиат ёдгорлиги ерлари, ботаника боғлари;
- соғломлаштириш ва тарихий-маданий йўналишдаги ерлар;
- фойдаланиш учун тақдим этилган ерлар;
- хавфли моддалар билан заарланган ва биоген заҳарланган ерлар;
- шаҳарларнинг ривожланиши генерал планлари, лойиҳалар ва обьектларни жойлаштириш чизмалари билан кўзда тутилган, савдо ва хизмат кўрсатиш доирасидан ташқари ерлар;
- магистрал йўлларга бириккан ерлар.

-электр тармоғ, кабель чизифи ва иссиқлик подстанциялари, сув ўтказиш ва канализация трассалари ва газопроводлар, умумдавлат чизиқлари ва улардаги қурилмалар, сув хўжалиги иншоотлари;

**5. Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини ким ошиди савдоси асосида фуқароларга сотиш.** Ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ер кодексининг 19-моддасида белгилаб берилган. Жумладан, мазкур моддада айтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари:

- дехқон хўжалиги юритиш учун;
- якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун;
- жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам берилиши мумкин.

Фуқароларнинг ер участкалариға мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқуқи Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хуқукини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади.

Ушбу мақсадлар учун ер участкаларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 апрел №126 “« Савдо ва хизмат доираларини улар жойлаштирилган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулкка бериш ва мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни билан белгилаб қўйилган.

Ер участкаларининг бошланғич нархи мазкур Қонунда айтиб ўтилганидек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан мазкур Қарорнинг №1 ва 2 иловаларига мувофиқ ерларни комплекс равишда иқтисодий баҳолаш асосида белгиланади.

Бошланғич нархни белгилаш учун ер участкасининг нархи Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Давлат архитектура қурилиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат ер кўмитаси томонидан ҳар кварталда аниқланадиган нархларнинг ўзгариши коэффициентига (индексига) кўпайтирилади.

Бошланғич нарх ўрнатилганда талаб ва таклифдан келиб чиқадиган кўпайтирувчи коэффициентлар қўлланиши мумкин.

Ерларни комплекс иқтисодий баҳолаш ҳокимиятлар томонидан муҳандислик инфраструктуранинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктини фаровонлаштиришга жалб қилинадиган маблағларга кўра

Ер участкаларига дифференциялашган бошланғич нархларни ўрнатишида, жойлашган жойига, муҳандислик коммуникациялари, архитектура ва бошқа хусусиятлар, худудлар чегараларига боғлиқ ҳолда зоналарга бўлинади ва зарур ҳолларда уларнинг қиймати лойиҳа институтлари билан биргаликда ер кадастрларини ва бир участкага бўлган харажатларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Шартномаларни ёки савдо ва хизмат доираларини улар жойлаштирилган ер участкалари билан хусусий мулкка бериш шартларини ҳақиқий эмас деб топиш, мерос қилиб қолдириладиган эгалик қилиш хуқуқи тўғрисидаги низолар тегишли судлар томонидан кўрилади.

## **6. Ер тузишнинг вазифалари ва мазмuni, мониторинг олиб борилиши ва давлат ер кадастрини юритишни ташкил қилиш**

Ер тузишнинг вазифалари ва мазмuni ер кодексининг 12 моддаси томонидан белгилаб берилган. Унга кўра, ер тузиш ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, ёулай экологик мухитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг худудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Таъкидлаб ўтилганидек, ер тузилиши қуйидаги турларга ажратилади: истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаш олдидан, хўжаликлараро ҳамда ички хўжалик ер тузиш.

Ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари вилоят хокимлари томонидан тасдиқланади. Ерларни юридик ва жисмоний шахсларга бериш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар хокимлари томонидан тасдиқланади.

Қишлоқ хўжалиги ва ва ўрмон хўжалиги ички хўжалик ер тузиши корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари туманлар хокимлари томонидан тасдиқланади. Ер тузиш лойиҳасига ўзгаришилар ушбу лойиҳаларни тасдиқлаган органлар руҳсати билан киритилади.

Ер тузиш ер тузиш органлари томонидан давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади.

Ер мониторинги ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат. Ерларни давлат мониторингини ўтказиши давомида олинган маълумотлар тизимлаштирилади ва ерларни жойлаштириш натижасида олинган маълумотлар давлат жамғармасига топширилади.

Маҳаллий, шу жумладан шаҳарлар давлат органлари ваколатларига (ҳокимиятлар) Ер кодексининг 14-моддаси, Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 28, 30 моддаларига, Ўзбекистон Республикасида ерлар мониторинги тўғрисидаги Қонун тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабр №496 Қарори, кейинчалик 2003 йил 28.02 ўзгартиришлар киритилган №112, 14.04.2004, №183 2004 йил 19.10. №483 қарорлар талабига мувофиқ амалга оширилади.

Муддати ва даврийлигига кўра ерларнинг ҳолати юзасидан кузатувнинг уч тури амалга оширилади:

базавий (чиқиши, қайд қилувчи, ерларни мониторингини бошлишдаги кузатув обьектларининг фактик ҳолати);

даврий (йиллик ва табиий характердаги даврларга кўра);

оператив (қайд қилувчи жорий ўзгаришлар), улар бир йилдан кам ёки бир вақтнинг ўзида бажарилади.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жисмоний шахслар ер мониторинги маълумотларидан ўрнатилган тартибда тўлов асосида фойдаланадилар.

Ерларни мониторингини олиб бориши бўйича ишлар давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат ер кадастрини юритиш бўйича шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари 1998 йил 28 августда қабул қилинган Давлат ер кадастри тўғрисидаги Қонунда мустаҳкамланган. Ушбу қонунга 13.12.2002 йилда, 30.08.2003 й.; 30.04.2004 й.; 03.12.2004 й. ўзгартиришлар киритилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.12. 2000 № 496 “Ўзбекистон Республикаси ерларини мониторинг қилиш тўғрисидаги Қонунни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2001 № 492 “Ўзбекистон Республикаси ҳудудини кадастр бўлиниши тартиби тўғрисидаги Қонунни тасдиқлаш ва ер участкаларининг, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тўғрисида”ги Қарорида мустаҳкамланган.

Давлат ер кадастри тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддаси талабларидан келиб чиқсан ҳолда давлат ер кадастрини юритиш соҳасида қуйидагилар давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг ваколатларига киради:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда уларга оид битимларнинг давлат рўйхатига олинишини ташкил этиш;

давлат ер кадастрини юритиш ишларини маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаш;

давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш ва назорат єилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

## **7. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ва улар билан шартнома тузишни ташкил қилиш.**

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ва улар билан шартнома тузишни ташкил қилиш борасида давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари Ер кодексининг 35, 31 моддалари, шунингдек Фуқаролик кодекси билан белгилаб берилган.

Масалан, Ер кодексининг Ер участкасига бўлган ҳуқуқининг вужудга келиши номли 31-моддасида айтиб ўтилганидек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуки жойнинг ўзида чегаралар белгиланганидан, ер участкаларининг планлари (чизмалари) ва тавсифлари тузилиб, ер участкаларига бўлган ҳуқук давлат рўйхатига олинганидан кейин вужудга келади.

Ер кодексининг 35-моддасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олишнинг асосий шартлари кўрсатиб ўтилган.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ер участкалари жойлашган ерда амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар келиб тушган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддат ичida маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан амалга оширилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олингани тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб раёами кўрсатилган ҳолда гувоҳнома берилади. Ундан ташқари давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишни ташкил қилиш 2014 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” билан тартибга солинади.

#### **8. Ер Кодексининг 36-моддасида ўрнатилган тартибда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуки бекор қилиниши**

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуки бекор қилиниши шартлари ва тартиби биринчи навбатда Ер Кодексининг 36-моддаси билан белгилаб берилган. Ундан ташқари, мазкур моддада

Ундан ташқари мазкур моддада кўрсатиб ўтилганидек, Ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечишидан яққол далолат берувчи хатти-харакатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечиши мазкур ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори мажбуриятларининг, ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган пайтдан ёки эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан узоги билан бир йил мобайнида, бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ер муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари тизими нималардан ташкил топган?
2. Қонунлар тартибга солиш кучига бўйича кандай хилларга бўлинади?
3. Ер ҳуқуқининг маҳсус аҳамиятидаги қонунлари таркибига кайси қонунлар киради?

#### **2-мавзу. Ер муносабатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими**

##### **Режа:**

1. Ер муносабатларини тартибга солувчи қонунлар тизими.
2. Ер муносабатларини тартибга солувчи қонун ости ҳужжатлари тизими.

## **2.1. Ер муносабатларини тартибга солувчи қонунлар тизими.**

Хозирги кунда ерга оид сиёсатини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари мураккаб тизимга эга бўлиб, ер-хуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги ўрнига қараб қуидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Умумий аҳамиятдаги қонунлар;
2. Махсус аҳамиятдаги қонунлар;
3. Мухофаза аҳамиятидаги қонунлар.

Ерга оид сиёсатни белгилашда иштирок этадиган **умуммий аҳамиятдаги қонунларга** қуидагилар мисол бўла олади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996 йил 29 август);
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Табиатни мухофаза қилиш тўғрисида” (1992 йил 9 декабр);
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Мухофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида» (2004 йил 9 декабр);
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Ўрмон тўғрисида» (1999 йил 15 апрел) ва бошқ.

Ушбу қонунларнинг аҳамияти шундан иборатки, **биринчидан**, улар ерга оид сиёсатнинг умумий йўналишларини белгилашда хизмат қилса, **иккинчидан**, ерлардан фойдаланиш ва айниқса уларни мухофаза қилишда ернинг экологик-хуқуқий муносабатлар тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлган қоида-талабларни мустахкамлайди.

Ер хуқуқидаги **махсус аҳамиятдаги** Ўзбекистон Республикаси қонунларига қуидагилар киради:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси (1998 йил 30 апрел);
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Давлат ер кадастри тўғрисида» (1998 йил 28 август) ва бошқ.

Ушбу қонунларда ер ресурсларини мухофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш ва юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, обьект ва субъектлари, ер участкаларининг хуқуқий ҳолати, ушбу соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари, эркинликлари, кафолатлари ва давлат хокимияти органларининг ваколатлари, ерга доир қонунчилик талабларини бўзганлик учун юридик жавобгарлик чора-тадбирлари каби ер-хуқуқий қоида талаблари белгилангандир. Шунинг учун ҳам юқорида таъкидланган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ерга оид муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинган бўлиб, ер хуқуқининг махсус манбаси сифатида эътироф этилади.

**Мухофаза аҳамиятидаги** Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қуидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994 йил 22 сентябр);
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябр);
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996 йил 29 август);
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (2007 йил декабр);
5. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси (1995 21 декабр).

Ушбу қонун ҳужжатлари ҳам ерга доир қоида талабларни белгилаган ҳолда ер хуқуқидаги махсус қоида-талаблар билан боғлиқ равишда ер қонунчилигини бўзганлик учун интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик-хуқуқий жавобгарликни қўллаш, ердан фойдаланганлик учун солиқ ва турли тўловларни тўлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солади.

## **2.2. . Ер муносабатларини тартибга солувчи қонун ости ҳужжатлари тизими**

Ер ҳуқуқининг манбалари тизимида қонун ости норматив ҳужжатларининг тутган ўрни бекиёсdir. Қонун ости норматив ҳужжатларининг асосий мақсади ва вазифаси, конституциявий тамойиллар, қонунларда белгиланган маҳсус қоида-талабларни амалда қўлланилишини осонлаштириш, маъмурий худудларнинг табиий ҳолати асосида норматив қоида-талабларни белгилаш, уларнинг хаётйлигини таъминлаш ва асосий қоида-талабларни барча юридик ва жисмоний шахсларга этказишдан иборат бўлади. Ер ҳуқуқининг қонун ости норматив ҳужжатлари ҳам мураккаб тизимга эга бўлиб, ерга оид нормалар доираси, қўлланилиши тартиби, амал қилиш муддати, ҳамда марказий ва маҳсус давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимият органлари томонидан қабул қилиниши аҳамиятига кўра куйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари;
- 2.Вазирлар Махкамасининг қарорлари;
- 3.Маҳсус ваколатли давлат бошқарув органларининг норматив ҳужжатлари (қарор, низом, йўриқнома, тартиб,, стандарт ва бошқ.);
- 4.Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг норматив ҳужжатлари.

#### **Назорат учун саволлар:**

4. Қонун ости норматив ҳужжатларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги аҳамияти нимада?
5. Қонун ости норматив ҳужжатларининг қандай шаклларини биласиз?

#### **3 -мавзу: Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати Режа:**

- 1.Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари
- 2.Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар.
- 3.Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби.

#### **3.1.Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари**

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишларини таъминлашдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг қоидаларидан келиб чиқадиган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифалари аниқ акс этган. Ушбу модда юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишнинг асосий вазифаларини, шунингдек ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ерга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назоратининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида амалга оширилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот

олами ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва уларни давлат ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Юқорида кўрсатилган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилинишини таъминловчи Олий Мажлис қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг тегишли норматив-ҳуқуқий хужжатларини вазифалари мухим аҳамиятга эга.

### **3.2. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органлар**

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ҳуқукни муҳофаза қилиш органлари, давлат бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласидилар, уларга методик ва бошқа ёрдам кўрсатадилар. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари қонун бузилишининг олдини олиш мақсадида ерга оид қонун хужжатларини тушунтириш тадбирларини амалга оширадилар.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан оширилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича маҳсус ваколатли давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг ерга оид қонун хужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисботларини эшитадилар, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни текшириш бўйича комиссиялар ташкил этадилар, ушбу масала бўйича қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Қўйидагилар ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича маҳсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар, окова сувлар билан ифлосланиши, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадидаги ерлардан, сув фонди ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

"Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати бўйича қўйидаги мансабдор шахслари:

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг раиси - ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича Ўзбекистон Республикасининг бош давлат инспектори;

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг ўринбосари - ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспекторининг ўринбосари;

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бошқармаси бошлиги - ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича катта давлат инспектори;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари бошлиқлари - тегишли ҳудудларда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича давлат инспекторлари;

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бошқармасининг бўлим бошлиқлари ва мутахассислари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг тегишли шўъбалари бошлиқлари - ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича давлат инспекторлари хисобланади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси номидан ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринbosарлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг катта давлат инспекторлари ва давлат инспекторлари ўз ваколатларига мувофиқ Давлат табиатни муҳофаза қилиш органларининг ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслари хисобланади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий хисобланади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар ўз фаолиятининг тўғри ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

### **3.3. Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби**

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги функцияларни амалга оширадилар:

а) ерларни муҳофаза қилиш бўйича комплекс тадбирлар бажарилишини устидан назорат қилиш, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: тупроқ унумдорлигини, шунингдек ерларнинг бошқа хоссаларини қайта тиклаш ва ошириш; ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишидан, ботқоқланишдан, қайта шўрланишдан, куриб қолишдан, зичлашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, емирилишнинг бошқа жараёнларидан муҳофаза қилиш; қишлоқ хўжалиги экин майдонларини буталар ва майда дов-дараҳтлар, бегона ўтлар ўсишидан ҳамда ерларнинг техник ҳолати ёмонлашишининг бошқа жараёнларидан муҳофаза қилиш; агар бошқа усуллар билан тупроқ унумдорлигини тиклаш мумкин бўлмаса, унумсизланган қишлоқ хўжалиги ерларини консервация қилиш; бузилган ерларни рекультивация қилиш, уларнинг унумдорлигини ва ерларнинг бошқа фойдали хоссаларини ошириш; ер бузилиши билан боғлик ишларни бажаришда тупроқнинг унумдор қатламларини олиш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш;

б) сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқбўйи полосалари учун ер ажратилиши ҳамда улардан мақсадли фойдаланишишини назорат қилиш;

в) фойдали конларни қазиши, қурилиш ишлари ва бошқа ишлар учун берилган қишлоқ хўжалиги ерлари, ўрмон ерлари ва бошқа ерларнинг ушбу ишлар тутгаллангандан кейин белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилиши устидан назорат қилиш;

г) қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан:

табиий-иқтисодий шарт-шароитларга мувофиқ илмий асосланган алмашлаб экишларни, дехқончиликнинг энг самарали ва оқилона тизимини жорий этиш;

ҳайдаладиган ер майдонлари сақлаб қолинишини таъминлаш;

мелиоратив жиҳатдан нобоп бўлган сугориладиган ерларни комплекс реконструкция қилиш, пичанзорлар ва яйловларга сув чиқариш ва уларни яхшилаш тадбирлари бажарилишини назорат қилиш;

д) давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларини ўлчаш.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органлари ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни белгиланган тартибда текшириш;

ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этишга ва ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қўрсатмалар бериш;

айбдор мансабдор шахсларни ва фуқароларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъволар киритиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тақдимномалар йўллаш ва материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш;

ерга оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкаларини тўлиқ ёки қисман олиб қўйиш тўғрисида тақдимномалар ҳамда ер участкаларининг унумсизланиб қолганлигини белгилаш ҳақида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритиши.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳамда Адлия вазирлигига 2001 йил 26 апрелда 1029 рақами билан рўйхатдан ўтказилган Назорат органлари томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ерга оид қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширадиган давлат органларининг ваколатли мансабдор шахслари қонун бузилишининг турларини, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши туфайли етказилган зарарни, аниқ айбдор шахсларни аниқлайдилар ва қонун бузилиши тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирадилар.

#### **4 -мавзу: Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

##### **Режа:**

- 1.Ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси.
2. Ер қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси.
3. Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик турлари.
- 4.Ер қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг мазмuni

##### **4.1.Ерларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси**

Республикамиз аҳолисининг моддий фаравонлиги табиатнинг бебаҳо бойлиги, барча жонзодни боқувчиси ҳисобланган ерга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга боғлиқ бўлади. Шу сабабдан, мавжуд ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза

қилиш жуда мұхим аҳамиятга эгадир. Ернинг табиий ресурс сифатида шундай алоҳида хусусияти борки, унга тұғри муносабатда бўлинса ва у муҳофаза қилинса тупроқнинг унумдорлиги доимо ошиб боради. Аксинча ҳолатларда эса унинг ҳолати ёмонлашиб, фойдаланиш учун яроқсиз ахволга тушиб қолади. Срунинг учун ер эгалари, мулқдорлари, фойдаланувчилари доимо тупроқ унумдорлиги тұғрисида ғамхўрлик қилишлари, ернинг сифатини яхши сақлашга асосий эътибор қаратишлари лозим.

Бугунги кунда республикамизда аграр муносабатлар соҳасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда атроф-табиий муҳитни, хусусан ер бойликларини муҳофаза қилиш муаммосига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини ва бошқа қабул қилинган бир қатор қонунчилик ҳужжатларини кўрсатишмиз мумкин, уларда табиат объектлари, жумладан ер бойликларини муҳофаза қилишга бағишлиган алоҳида боблар киритилган.

Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш турли хил восита ва усувлар ёрдамида амалга оширилади. Шундай усувлардан энг муҳимларидан бири - ер бойликларини ҳуқуқий муҳофаза қилишдир, яъни ерни қонунлар ёрдамида ифлосланишдан, заҳарланишдан, ишдан чиқишдан муҳофаза қилишдир. Демак, ер ресурсларини муҳофаза қилишда ҳуқуқнинг роли бекиёс ҳамда алоҳида аҳамиятга эга.

Ер ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш заруриятини ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда турли илмий жиҳатдан асосланган тавсияномаларнинг роли қанчалик катта бўлмасин, уларнинг бажарилиши барча юридик ва жисмоний шахслар учун тегишли ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамлангандан кейингина мажбурий характеристерга эга бўлиши билан ҳам тушунтириш мумкин. Акс ҳолда бу тавсияномалар бажарилмасдан қолиб кетиши мумкин. Шундай қилиб, ердан оқилона, самарали фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти катта бўлиб, улар ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади ҳамда ундан оқилона фойдаланиш ва турли хил ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлардан муҳофаза қилиш чораларини белгилаб беради. Қонунчилик ҳужжатлари ер бойликларига эҳтиёткорона ва оқилона муносабатдабўлиш, асраб-авайлаш, қадрлаш, доимо тупроқ унумдорлигини ошириб бориш билан боғлиқ талабларни белгилайди, ердан фойдаланиш қоидалари бузилганда эса ҳуқуқий нормалар уни муҳофаза қиласди.

Ерни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ўта муҳимлигини республика аҳолисининг йилдан-йилга тез ўсиб бориши оқибатида жон бошига ҳисоблаганды сугориладиган ер майдонлари камайиб бораётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунончи, республикамизда бу кўрсатгич 70-йилларда 0,4 гектар, 80-йилларда 0,2 гектардан тұғри келган бўлса, ҳозирги вақтда эса бу кўрсаткич знада пасайиб 0,14 гектарни ташкил этади. Бундан ташқари ҳалқ ҳўжалигининг саноат, транспорт, алоқа ва бошқа тармоклари билан боғлиқ қурилишлар учун ажратиладиган ер майдонлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу ҳолат ҳам ерни ҳуқуқий муҳофаза қилишни такозо этади.

Ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш на фақат ер ҳуқуқи нормалари билан балки бошқа ҳуқуқ нормалари билан ҳам тартибга солинади. Масалан, конституциявий ҳуқуқ нормаларида фуқаролар табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари шартлигини ўрнатади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддаси). Шунингдек ерларни муҳофаза қилишга бағишлиган қоидаларни “Табиатни муҳофаза қилиш тұғрисида”ги, “Фермер ҳўжалиги тұғрисида”ги қонунлар, Жиноят, Фуқаролик, Маъмурий жавобгарлик тұғрисидаги кодексларда ҳам кўриш мумкин.

Ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тұғрисида сўз борганда «ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш» ва «ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш» деган тушунчалар фарқланиши керак. Чунки, **ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш** деганда ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя етиш, яъни ердан фойдаланувчиларнинг ер муносабатлари бўйича субъектив ҳуқуқ ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қилишни бартараф етишга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилса, **ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш** деганды эса, ердан оқилона фойдаланиш, уни қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришидан асоссиз равища

олинишининг олдини олиш, заарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилиш, шунингдек тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини яхшилашга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Ер ресурсларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш зарурияти нимадан келиб чиқади?
2. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тушунчаси нимани англатади?
3. Ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда нимани тушунасиз?
4. Ерни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг мақсади нима?

## **4.2. Ер қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси**

Ер ҳуқуқбузарлиги деганда, ер ҳуқуқи нормаларига қарама-қарши бўлган хатти-харакат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи қоидаларини бузувчилар, яъни **ҳуқуқбузарлик субъектлари** бўлиб қишлоқ ҳўжалик корхоналари, давлат ва кооператив ташкилотлари, фуқаролар бўлиши мумкин. Шунингдек, давлат хокимият ва бошқарув органлари, саноат корхоналари, бошқа ташкилотлар ҳам бу ҳуқуқбузарликнинг субъектлари бўлишлари мумкин.

**Ҳуқуқбузарликнинг обьекти** бўлиб, биринчи навбатда давлатнинг ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи; қишлоқ ҳўжалик ва бошқа корхоналарнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи; ердан қонуний фойдаланиш тартиби ҳисобланади. Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг бузилиши асосан шу санаб ўтилган ҳуқуқ ва манфаатларга қарши қаратилган бўлиб, шу ҳуқуқ ва манфаатларнинг амалга оширилишига тўсик бўлади.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқбузарлигининг мазмунини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларга иқтисодий, моддий ва маънавий, экологик зарар этказишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ташкил этади. Чунки: қонунга зид тузилган битимлар, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, ер участкаларини қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришидан асоссиз олиб қўйиш, уларни захарли химикатлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлослантириш, ер участкалари чегара марзаларини бузиб ташлаш ва шунга ўхшаҳ ҳаракатлар орқали маълум бир ҳуқуқбузарликлар содир этилса, вақтинча эгаллаб турган ерни қайтариб бериш муддатини бузиш ёки шу ерларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бериш мажбуриятларини бажармаслик, ёввойи ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаслик, тупроқни шамол, сув таъсирида эмирилишдан саклаш мажбуриятларини бажармаслик ва шунга ўхшаҳ ҳаракатсизлик оқибатида ҳам ҳуқуқбузарликлар содир этилади.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, **ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш деганда, давлатнинг ерга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига қарши қаратилган, ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган, ердан оқилона ва самарали фойдаланишини таъмин этишга халал берадиган тайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар тушунилади.**

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига қарши турли хил хатти-ҳаракатлар орқали бузилиши мумкин бўлиб уларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-моддасида келтирилган. Уларга қуйидагилар киради:

- ер участкаларини сотиб олиш ва сотиш;
- совға килиш, гаровга қўйиш, ўзбошимчалик билан айирбошлаш; ерлардан ўзга мақсадларда фойдаланиш;
- ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш;
- ерларнинг ҳолатини бузиш, уларни кимёвий ва радиоактив моддалар билан, ишлаб чиқариш чиқиндилари оқова сувлар билан ифлослантириш; ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган обьектларни жойлаштириш, қуриш, лойиҳалаш, ишга тушириш;

- вақтингча эгаллаб турган ерни қайтариб бериш муддатини бузиш ёки шу ерларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириб бериш мажбуриятларини бажармаслик;
- ер эгалиги ва фойдаланиладиган ерлар чегараларининг марза белгиларниң йўқ қилиб ташлаш;
- ерларнинг давлат рўйхати, ҳисоб китоби ва баҳоланиш маълумотларини сохталаштириш;
- ёввойи ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаслик;
- ердан хўжасизларча фойдаланиш;
- тупроқни шамол, сув таъсирида нурашдан сақлаш мажбуриятларини бажармаслик ва бошқалар.

#### **4.3. Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик турлари**

Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортишга асос бўлиб ер ҳуқуқбузарлиги содир этилиши ва шу ҳуқуқбузарлик учун қонунчилик ҳужжатида жавобгарлик чораси белгиланган бўлиши керак. Шуни таъкидлаш лозимки, ер қонунчилиги ҳужжатларида уларни бузганлик учун жавобгарлик чораларини ифодаламайди. Шунинг учун ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун ҳуқуқий чоралар бошқа ҳуқуқ соҳалари қонунчилик ҳужжатларида, масалан, жиноят, фуқаролик, маъмурий кодексларида кўрсатилган. Бироқ, бу соҳаларда белгиланган жавобгарлик чораларини кўллаш учун ҳуқуқбузар на фанат ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузини балки бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳам ҳуқуқ нормаларини бузган бўлиши керак. Шундагина айборларни юқорида келтирилган қонунчилик ҳужжатлари нормаси билан жавобгарликка тортиш мумкин. Масалан, ердан хўжасизларча фойдаланганлик Ер кодекси нормасини (91-модда) бузиш ҳисобланади ва шундай хатти-ҳаракат учун ер ҳуқуқий жавобгарлик чораси сифатида ўша ерни қайтариб олиш белгиланган. Ҳудди шундай ҳаракат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг нормасини (**193-модда**) ҳам бузиш ҳисобланади ва бунинг учун жиноий жавобгарликка тортиш чорасини кўллашга асос бор.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун маъмурий, интизомий, фуқаролик, жиноий жавобгарлик чоралари кўлланилади.

#### **4.4. Ер қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарликнинг мазмуни**

Ер ва у билан боғлик табиий ресурсларнинг муҳофазаси ҳуқуқнинг асосий вазифаларига киради. Ҳуқуқ нормалари ердан фойдаланиш қоидаларини, яъни табиий муҳит ва унинг бойликларини сақлаш ва муҳофаза қилиш каби конституциявий мажбуриятини ижро этгандা фуқаро ёки мансабдор шахс қандай ҳаракатларни содир етиш мумкинлиги ёки лозимлиги ҳақида кўрсатмаларни тасдиқлайди. Ушбу қоидаларга риоя этилишини давлат мажбуровчи чоралари ва улар ичida мухим ўрин эгаллайдиган маъмурий жавобгарлик нормалари билан таъминланади.

Маъмурий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг мустақил тури бўлиб, ваколатли орган томонидан маъмурий жазо кўлланишида ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик ҳақидаги ҳаракатдаги қонун бўйича ер ҳақидаги қонунни бузганлик учун факатгина жарима шаклида маъмурий жазо назарда тутилган, у эса маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган, давом этаётган ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтига тасдиқланган энг кам иш ҳақининг миқдори билан ўлчанади.

Маъмурий жазонинг кўлланилиши судланганлик ва ишдан буштишга олиб келмайди. Маъмурий жазо кўлланилган шахс белгиланган муддатда маъмурий тартибда жазоланган ҳисобланади. Шундай килиб, МЖТК<sup>4</sup>нинг 37-моддасига мувофик, агар маъмурий жазо кўллланган шахс жазонинг ижро этилган кундан бошлаб бир йил ичida янги маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этмаса, у маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси”


Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби деганда МЖТК билан белгиланган, уларнинг мажбурилиги маъмурий жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган аломатларнинг (элементларининг) йиғиндиси тушунилади. Адабиётларда баъзан маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби тушунчаси маъмурий ҳуқуқбузарликнинг аломатлари билан алмаштирилади. Масалан, таъкидланадики, маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби – бу ҳуқуқда белгиланган уларнинг мавжудлигига жамоага қарши бўлган килмиш маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланадиган аломатларнинг йиғиндисидир. Аммо, бу амал килиб турувчи қонун нормаларига мос келмайди. Хусусан, МЖТКга биноан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир етиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаганлиги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатларга киради. (271-модданинг 2-банди). Гап шахснинг акли норасолиги ҳақида кетганда, маъмурий ҳуқуқбузарлик эмас, балки ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик (271-модданинг 3-банди.) содир этилиши назарда тутилади, чунки акли норасоликда (МЖТКнинг 20-моддаси) истисно этиладиган юридик таркибнинг аломати бўлишида айблик зарурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” Давлат қўмитасининг 2009 йил 3 мартағи 24-сонли бўйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси органлари томонидан ер қонунчилигини бузган қонунбузарни маъмурий жазога тортиш бўйича йўриқнома”га асосан давлат қўмитасининг мансабдор шахси ердан фойдаланиш ва уни муҳофазалаш устидан давлат назоратини давлат бошқарувининг махаллий органлари, санитария назорати, табиатни муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалиги, сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги ва бошқа органлар ҳамкорлигига амалга оширадилар.

Ердан фойдаланиш ва муҳофaza қилиш устидан давлат назоратини ўтказиш учун ҳуқуқий гувохлик берувчи ҳужжатларда ёки туман (шахар) ер кадастри китобида кимга тегишлилиги ёзиб қўйилган ер участкалари ёки унинг бир қисми, у қайси идорага бўйсинишидан ва қандай шаклдаги мулк бўлишидан қатъий назар объект ҳисобланади.

Ердан фойдаланиш ва муҳофaza қилиш устидан давлат назоратини ўтказиш субъекти- ўз эгалигига, фойдаланишида, ижарасида ҳамда хусусий мулкида ер участкаси мавжуд бўлган барча юридик ва жисмоний шахслар, махсус режимда ҳамда чет эл инвеститсияси билан ишловчи корхона ва бошқалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” Давлат қўмитаси тизимидағи ердан фойдаланиш ва уни муҳофaza қилишни назорат қилиш давлат инспекцияси хизмати таркиби 1-расмда келтирилган.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси “Ергеодезкадастр” Давлат қўмитаси  
тизимидағи ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни  
назорат қилиш давлат инспексияси хизмати таркиби

“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” кодексга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари қўйидаги қонунбузарлик ҳолатлари бўйича ишларни кўриб чиқадилар:

- ерлардан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланиш;
- ерлардан хўжасизларча фойдаланиш;
- ерларни яроқсиз ҳолга тушириш;
- бино ва иншоатлар қуриш вақтида тупроқнинг унумдор қатламини қирқиб олмаслик;
- ҳосилдорликнинг пасайиб кетиши ва тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига сабаб бўладиган ҳаракатларни содир етиш;
- лойиха хужжатларидан рухсат бўлмай туриб ўзбошимчалик билан четга чиқиш;
- давлат ер кадастрини юритиш қоидаларини бузиш;
- ер кадастри маълумотларини бузиб кўрсатиш;
- ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги хисоботларни бузиб кўрсатиш;
- тегишли ваколатли органлар билан келишмай туриб ерларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатадиган обьектларни жойлаштириш, лойихалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш;
- ажратиб берилган ерларнинг марта белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш;
- ер бериш тартибини бузиш.

“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” кодекснинг 266<sup>1</sup>- моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органлари номидан маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга қўйидагилар ҳақлидирлар:

- Ўзбекистон Республикаси ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни назорат қилиш бўйича бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туман (шахар)лар ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари.

Содир этилган маъмурий ҳукуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлган мансабдор шахс ҳукуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Ер қонунчилиги бузилганлигини бартараф этиш юзасидан огоҳлантириш огоҳлантириш хати шаклида бўлади.

Ердан хўжасизларча фойдаланиб уларни яроқсиз ҳолга тушириш, бино ва иншоатлар қуриш вақтида тупроқнинг унумдор қатламини олмаслик, ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ҳосилдорликнинг пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига сабаб бўладиган қонунбузилишлар содир этилганда “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси”нинг қўйидаги белгиланган моддалари билан маъмурий жавобгарликка тортиладилар:

Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, обьектлар қуриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир етиш, шунингдек таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консерватсиялашнинг белгиланган тартибини бузиш, —

Фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантириш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ер бериш тартибини бузиш, худди шунингдек фермер ёки дехқон хўжалиги юритиши учун, якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилиш, —

mansabdar shahslariga eng kam ish haqinинг уч бараваридан этти бараваригача miqdorda жарима солишга сабаб bўлади.

Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш юзасидан мажбуриятларни бажармаслик, —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб bўлади.

Тасдиқланган ер тузилиши лойиха ҳужжатларидан тегишли рухсат бўлмай туриб четга чиқиш, худди шунингдек тегишли органлар билан келишмай туриб обьектларни жойлаштириш, лойихалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш, давлат ер кадастри юритиши қоидаларини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот бериш, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб bўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазоchorasi қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан этти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб bўлади.

Эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини, ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб bўлади.

Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланганда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаракиларнинг ердан фойдаланиш фаолиятини назорат қилиш ҳуқуки берилган ваколатли мансабдор шахси томонидан қонун бузилиши натижасида келтирилган зарар ва айбдор шахслар аниқланади ҳамда ер қонунчилиги ҳужжатларида белгиланган тартибда ер тузиш иши кўзгатилади. Ер тузиш ишида қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

1. Ер қонунчилиги бузилганлигини бартараф етиш бўйича огоҳлантириш хати;
2. Ер қонунбузилиш ҳолати аниқланганлиги тўғрисида баённома;
3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш ҳақида баённома;
4. Ер қонунчилиги бузилиши ҳақидаги ишни кўриб чиқишга келиш учун чақириқ қоғози;
5. Ер қонунчилигини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликга тортиш тўғрисида (ишлаб чиқаришда ер қонунчилигини бузилганлиги бўйича ишларни тўхтатиб қўйиш ҳақида) қарор.

#### **Назорат учун саволлар:**

1. Ер ҳуқуқбузарлиги тушунчаси нимани англатади?
2. Кимлар ҳуқуқбузарлик субъектлари ҳисобланади?
3. Ҳуқуқбузарликнинг обьекти сифатида нималар хизмат қиласи?
4. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш деганда қандай харакатлар тушунилади?
5. Ер кодексининг 90-моддасида қонун ҳужжатлariiga қарши қандай хатти-харакатлар келтирилган?
6. Маъмурий жавобгарлик ҳақидаги харакатдаги қонун бўйича ер ҳақидаги қонунни бузганлик учун қандай шаклида маъмурий жазо назарда тутилган?

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1 -амалий машғулот:**

**1 -мавзу:** Ер муносабатларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар тизимини ўрганиш  
**Режа:**

1.Ер муносабатларини тартибга солувчи манбалари тушунчаси ва уларнинг умумий тавсифи билан танишиш.

2. Ўзбекистон Республикаси конституциясини, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Қорақолпоғистон Республикаси ва вилоят ҳокимиятларининг қарорларини ер муносабатларини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар тизими сифатида ўрганиш.

### **.2 –амалий машғулот:**

#### **Ер тузиш ва ер кадастрини юритишнинг хуқуқий асосларини ўрганиш**

**Режа:**

1. Ер тузиш ва ер кадастрининг хуқуқий моҳияти билан танишиш.
2. Ер участкаларини ажратиш ва олиб қўйиш ишларини хуқуқий тартибга солиш ишлари билан танишиш.
3. Ер тузиш органлари тизими ва уларнинг хуқуқий доираси билан танишиш.
4. Ер кадастрининг таркибий қисмлари. Ер кадастрини юритиш. Ер кадастрини юритувчи органлар ва уларнинг хуқуқий ваколатлари билан танишиш.

### **3 -амалий машғулот:**

#### **Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати билан танишиш**

**Режа:**

- 1.Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тушунчаси ва унинг асосий вазифалари билан танишиш.
2. Давлат назоратни амалга оширувчи органлар ва амалга ошириш тартиби билан танишиш.

### **4 -амалий машғулот:**

#### **Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик турлари билан танишиш**

**Режа:**

- 1.Ерларни хуқуқий муҳофаза қилиш тушунчаси билан танишиш.
2. Ер қонунбузарлиги учун юридик жавобгарлик ва унинг турлари билан танишиш.
3. Ер қонунбузарлиги учун маъмурий жавобгарликнинг мазмуни билан танишиш.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қўйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўкув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Ҳар бир тингловчи ўқитувчи томонидан берилган мавзулар юзасидан топшириқларни бажарадилар ва баҳоланадилар, баҳолаш мезони ишчи дастурда келтирилан.

### **Мустақил таълим мавзулари номи**

<b>№</b>	<b>Мавзулар номи</b>
1	Ўзбекистон Республикасининг коституцияси ер ҳуқуқининг асосий манбаси сифатида
2	Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг мазмуни ва мохияти
3	Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида” қонуни мазмуни ва мохияти
4	Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида” қонуни мазмуни ва мохияти
5	Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” қонумизмуни ва мохияти;
6	Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида” қонуни мазмуни ва мохияти
7	Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» қонуни мазмуни ва мохияти
8	Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида» қонуни мазмуни ва мохияти
9	Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида» қонуни мазмуни ва мохияти
10	Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» қонуни мазмуни ва мохияти
11	Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида» қонуни мазмуни ва мохияти
12	Ўзбекистон Республикаси Президентининг ердан фойдаланиш фойдаланиш соҳасидаги фармонлари, фармойишлари, қарорларининг мазмуни ва мохияти
13	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ердан фойдаланиш фойдаланиш соҳасидаги қарорларининг мазмуни ва мохияти
14	Ер ҳуқуқи манбалари тахлили
15	Ер ресурларини давлат бошқаруви муаммолари
16	Ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашнинг ҳуқуқий асослари
17	Ер мониторингининг ҳуқуқий асослари

18	Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назорати
19	Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари
20	Ер фонди тоифаларининг ҳуқуқий холатидаги ҳусусиятлар
21	Ер бозорининг ҳуқуқий асослари
22	Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тахлили

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b>ер участкасини ижарага олиш</b>	ер участкасидан ижара шартномасининг шартлари бўйича вактинча ҳақ эвазига фойдаланиш	
<b>ер участкасини ижарага оловчи</b>	ер участкасини белгиланган тартибда ижарага олган юридик ёки жисмоний шахс	
<b>ер участкасини ижарага берувчи</b>	ер участкасини белгиланган тартибда ижарага берган юридик ёки жисмоний шахс	
<b>ер участкасининг эгаси</b>	ер участкасидан якка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш ҳамда дехқон хўжалигини, шунингдек жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида фойдаланувчи фуқаро	
<b>ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш</b>	юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, бекор қилинишининг давлат томонидан эътироф қилиниши ва тасдиқланиши юридик акти	
<b>давлат ер кадастри</b>	ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат ҳусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарага оловчилар ва мўлкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги зарурий ҳамда аниқ маълумотлар ва ҳужжатлар тизими	
<b>ерларнинг ифлосланиши</b>	тупроқларда таркибида кимёвий бирикмалар, радиоактив элементларнинг атрофдаги табиий мухитга, тупроқ унумдорлигига ва инсон соғлигига зарарли таъсир кўрсатадиган миқдорларда мавжудлиги	

<b>ер участкаси гарови (ипотекаси)</b>	юридик ёки жисмоний шахс томонидан ер участкасини ёки унга бўлган хуқуқни мажбуриятни таъминлаш шарти билан бошқа шахсга ўтказилиши	
<b>ер муносабатлари</b>	давлат ҳокимияти органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасаррф қилиш билан боғлиқ муносабатлар;	
<b>сервитут</b>	юридик ва жисмоний шахснинг бир ёки бир нечта бегона ер участкаларидан келишув ёки суд қарори асосида белгиланадиган чекланган фойдаланиш хуқуки	
<b>ер низоси</b>	ер муносабатлари субъектлари ўртасидаги, хусусан ер участкаси ёки унинг бир қисмининг қайсиdir шахса мансублиги, шунингдек сервитутнинг белгиланиши ва ер участкасига бўлган хуқуқларнинг чекланиши борасидаги низолар	
<b>ер участкаси</b>	ер сиртининг қайд этилган берк чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, хуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми	
<b>ер фонди</b>	ер сиртининг, хусусан сув обьектлари тубининг Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг маъмурӣ чегаралари ичида жойлашган қисми	
<b>ер тузиш</b>	ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташқил этишга, ер ресурсларини хисобга олиш ва баҳолашга, кулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, ер тузишнинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизими	
<b>ерларнинг тоифалари</b>	ер фондининг ер участкалари уларнинг асосий мақсад вазифалари бўйича киритилган қисмлари	
<b>ерлар мониторинги</b>	ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вактида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизими	

<b>ер участкасига бўлган хуқуқларнинг чекланиши</b>	юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларидан фойдаланиш бўйича хуқуқларининг давлат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, муҳандислик коммуникацияларини қуриш ва улардан фойдаланиш, бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаларининг ижарага олувчилари ва мўлқдорлари, шунингдек қонунда назарда туилган ҳолларда ахоли хавфсизлиги манфаатлари йўлида қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда чекланиши;	
<b>суғориладиган ерлар</b>	ерларни суғориш учун етарли микдордаги сув ресурсларига эга суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки вактинчалик суғориш тармоғи мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	
<b>ерларни муҳофаза қилиш</b>	ерлардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилиши олдини олиш, уларни заарли антропоген таъсирандан ҳимоя қилишга қаратилган хуқуқий, ташқилий, иктиносий, технологик ва бошқа тадбирлар тизими	
<b>тупроқ унумдорлиги</b>	тупроқнинг қишлоқ хўжалик ўсимликларининг тўйимли моддалар, ҳаво, сув, иссиқлик, биологик ва физикавий-кимёвий муҳитга бўлган талабини қондириш, қишлоқ хўжалик экинларидан юкори ва сифатли ҳосил олишни таъминлаш хусусияти	
<b>ер участкасидан вактинча фойдаланиш хуқуки</b>	юридик ёки жисмоний шахснинг давлат мўлкидаги ер участкасидан давлат ҳокимияти органининг қарори билан маҳкамланган белгиланган муддатларда фойдаланиш хуқуки	
<b>мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш хуқуки</b>	фуқаронинг ҳаёт даврида амал қиласидаги ва унинг меросхўрларига белгиланган тартибда ўтказилиши мумкин бўлган ер участкасидан якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш ҳамда дехкон хўжалигини, шунингдек жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун фойдаланиш хуқуки	

<b>ер участкасидан доимий фойдаланиш хукуки</b>	юридик ёки жисмоний шахснинг давлат мўлкидаги ер участкасидан давлат ҳокимияти органининг қарори билан маҳкамланган белгиланган муддатсиз фойдаланиш хукуки	
<b>ер участкасига бўлган мулк хукуки</b>	юридик ёки жисмоний шахснинг унга тегишли бўлган ер участкасига ўзининг ихтиёри бўйича ва ўз манфаатлари йўлида эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хукуки	
<b>ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш</b>	ерлардан ер участкасига бўлган хукуқни тасдиқловчи хужжатларсиз фойдаланиш	
<b>ер участкаси билан боғлиқ битимлар</b>	жисмоний ва юридик шахсларнинг ер участкаларига бўлган хукуқларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган харакатлари	
<b>қишлоқ хўжалик ерлари</b>	қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларнинг бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ёки ем-хашак базаси сифатида фойдаланилаётган ёхуд фойдаланилиши лозим бўлган асосий қисми; Қишлоқ хўжалик ерлари ҳайдаладиган ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар, бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлардан ташқил топади	

## **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Асосий адабиётлар:**

1. М.Ҳ. Рустамбоев ва бошқ. Ер хуқуқи. дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237 б.
2. А.Нигматов. Ер хуқуқи. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
3. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
4. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004.-400 стр.
5. Земельное право республики Узбекистан: Учебник. Под. Ред. М.Х.Рустамбека. –Т.: ТГЮИ, 2007. -214 стр.
6. Ерофеев Б.В. Земельное право: Учебник. –М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. -348 стр.
7. Ben McFarlane,Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси -Т.: Адолат.1998
2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси. Т.: Адолат.1994
3. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида ”кодекси. Т.: Адолат.1994

### **Интернет ва Зиёнет сайтлари**

1. <http://www.colibri.ru>;
2. <http://zakon.rin.ru>
3. <http://www.Lex.uz>